

АБДУРАШИД АБДУФАФУРОВ

МУҚИМИЙ САТИРАСИ



ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
Т О Ш К Е Н Т – 1976

Сатира ва юмор Муқимнй адабий меросининг муҳим қисмини ташкил этади. Шоир ніжодининг демократик мөхияти, чуқур ҳаётйлиги ва актуаллик характеристри аввало шу турасарларда тұла ва ёрқын намоён бўлган. Тақдим этилаётгани ушбу рисоланинг маҳсус бобчаларнида демократ шоир сатира ва юморининг энг етуқ намуналари ғоявнй-бадий таҳлил этилган.

Рисола кеңг қитобхонлар оммасига мўлжалланган.



A $\frac{70202-450}{355(06)-76}$ 138—76

Муҳаммад Аминхўжа Муқимий (1850—1903) кўп асрлик адабиётимиз тарихидан устоз лирик шоир, за бардаст сатирик сифатида мустаҳкам ўрин олган. Унинг баракали ижоди XIX аср охири ва XX аср бошларида ги ўзбек адабиётининг демократик характер эгаллашида хал қилувчи омиллардан бири бўлди.

Муқимийнинг ҳаётий лирикаси, энг яхши сатирик ва юмористик асарлари, машхур «Саёхатномалар»и шу давр адабиётимизининг етакчи ғоявий-эстетик йўналишини белгиловчи, унинг бош мазмунини ташкил этувчи етук адабий-бадиий обидалар даражасига кўтарилиган. Муқимийнинг ижоди чин маънода халқчилдир — у эзилган меҳнаткаш омма, хонавайрон қишлоқ дехқонларининг содик вакили, оддий инсон ҳис-туйғуларининг асл кўйчиси бўлғиб майдонга чиқди: шоир шу халқчиллик позициясидан уларниң аламли қоронғу ҳаётини, дарду ташвишини, орзу-йнтилишларини реалистик бўёқларда юксак бадиийлик билан ифодалади, ёрқин турмуш, «яхши замон» келади, — дея башорат қилди.

Муқимий қолдирган адабий мөроснинг катта бир кисмини лирика таъщкил этади. Ижодий фаолиятини ишкий ғазаллар ёзишдан бошлаган шоир умрининг охиригача бу жанрда калам тебратиб ўзбек поэзиясида илфор йўналишининг таракқиётига жиддий таъсир кўрсатди. Чуқур гуманизм ва оптимистик руҳ, ҳаётсеварлик ва жўшқин эҳтинос, ҳаққонийлик ва самимийлик, ўйноқилик ва мусикийлик шоир яратган ғазал, мураббаъ, мухаммасларниң ғоявий-бадиий мазмунини белгилайди.

Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, айни замонда кўп-лаб ҳам ғоявий, ҳам бадиий баркамол сатирик ва юмо-

ристик асарлар яратдики, биз ушбу рисолада шоир ижодий фаолиятининг ана шу соҳаси ҳақида фикр юритишни мақсад қилиб қўйғанмиз.

* * *

*

XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида ўзбек демократик адабиётида сатирик йўналиш адабиётимизнинг ўтмиш даврларига нисбатан ниҳоятда тарақкий этди, бойиди. Бу -- Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши натижасида ўлка иқтисодий ҳаётида ва ижтимоий-фалсафий онгидаги юз берган жиҳдий силжишларга мувофиқ ва улар билан тўла изоҳланарлик бир ҳолдир. Россия составига қўшилиш натижасида ўлкада кенг ёйилган рус ижтимоий онги, маданияти, фан-техникасининг, ҳаётдаги ижобий ўзгаришларнинг таъсири остида халқ онгидаги, биринчи навбатда, унинг пешқадам на-мояндалари дунёқарашида турмуш масалаларига, жамият ва табиат ҳолисаларига янгича муносабатнинг туғилиши, бир томондан, иккιёқлама эксплуатациянинг, адолатсизликнинг кучайиб кетиши, капиталистик муносабатларнинг салбий томонларининг тобора кўпроқ юзага чиқа бориши, ҳукмроп синфлар ва тузумнинг тартиб-қоидаларидан норозиликнинг зўрайиши, иккичи томондан, халқнинг интилиши ва орзу-умидларига яқин турган демократик адабиётда сатиранинг, сатирик йўналишнинг кенг ривожланишига замин ҳозирлади. Сатирик йўналиш, давр лирикасининг катта аҳамиятини камситмаган ҳолда, айтиш мумкини, маърифатпарварлик йўналиши билан бирликда, ўзбек демократик адабиёти қиёфасини белгилади, унинг моҳиятини ифодалади.

Чуқур гоявийлик ва халқчиллик, замон руҳи, ҳаётий материаллар билан мустаҳкам боғлиқлик, даврнинг қатор актуал масалаларини кескин ҳолатда ва халқ манфаати нуқтаи назаридан ҳал этиш, реалистик методнинг устунлиги ва бадний камолот, аниқ ижобий идеал ва унинг зиддига нисбатан муросасизлик, тил соддалиги ва жаңр ранг-баранглиги демократик адабиётдаги сатирик йўналишнинг ўзига хос фазилати даражасига кўтарилган.

Давр ўзбек сатирасининг ана шундай бўлишларигида Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ижодининг аҳамияти

бениҳоя катта бўлди — у Завқий билан биргаликда янги сатирик йўналишнинг асосчиси ва етакчи намояндаси сифатида баракали ижод қилди. Муқимий лирик шоир сифатида қанчалик машҳур бўлса, кучли сатирик сифатида ҳам шунчалик шуҳрат қозонган эди. Шоир ижодий меросининг ҳажм жиҳатидан каттагина қисмини ташкил этувчи сатира ва юморлари ўз мавзуи ва шакл жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, ўша давр шароитининг жуда кўп томонларини қамраб олади.

Мехнаткаш халқнинг икки томонлама зулм остидаги аянчли аҳволи, инсон ҳуқуқининг топталиши, адолатсизлик, қишлоқ деҳқонларининг «оч-яланғоч» турмуши ва азоб-уқубатли меҳнати, реакцион тузумнинг ўлкани харобазорларга — «ҳапалаклар»га айлантиргани, феодализмнинг емирила бориши ва капиталистик муносабатларниң кириб келиши, миллий буржуазиянинг туғилиши, унинг капитал тўплаши йўлидаги очкўзлиги, кризис, конкуренция, дин арбобларининг реакцион фаолияти, қалбаки буржуа «демократияси» ва «қўлбола» «сайлов» системаси, жамият туғдирган ахлоқий нормалар— ўғрилик, ҳийлакорлик, маший бузуқлик ва бошқа иллатлар Муқимийнинг сатирик ғазал, мухаммас, маснавийларида юксак бадий маҳорат билан конкрет ва реалистик ифодасини топди.

Шоир ўша жамиятда ҳукмрон мавқедаги гуруҳ вакилларининг типик намояндалари бўлмиш салбий-сатирик образларнинг катта галереясини яратди. Чор чиновниклари Султон Али Хўжа ва Ҳакимжонлар, миллий буржуазия вакили Ҳодижўжа ва ахлоқий бузуқ Ашурбой ҳожилар, товламачи Виктор ва Ляхтилар, хасис гумашта ва порахўр мингбоши, элликбошилар, исқирт Асрорқул ва «чатоқчи ҳожи»лар, «мурдор авлиё» ва «шайтон, баччағар» дин арбоблари шоирининг сатирик қалами остида қайтадан «туғилдилар», ўзларининг разил башараларини, пуч моҳиятларини бутун қабоҳати билан китобхонларга кўрсатишга мажбур бўлдилар.

Муқимий сатирик асарларига мавзуни веал ҳаётдан, ўзи гувоҳ бўлган воеалардан, жиддий ўзгаришлар юз берадан давр руҳидан олди. У ана шу хаётий материалларни сатирик тахлил этиш, салбий объексларга муносабатни белгилаш, айниқса, сатирик маҳоратни оширишла ўтмиш анъаналардан, Навоий, Машраб, Турди, Гулханий, Махмур каби шоирларнинг ижодидан таъсиrlанди, баҳраманд бўлди. Ўтмиш сатирик анъаналарнинг шоир томонидан кабул этилиб, ўз замонаси руҳида ривожлантирилганини исботловчи фактик материаллар кўплаб топилади. Масалан, Муқимий илк бор Навоий бошлаб берган, кейинчалик эса Машраб, Турди, Мухмурлар давом эттирган ғазал жандида сатира яратиш тажрибасини ўзлашибиди, ўзи ҳам қатор кучли сатирик ғазаллар ёзади. Сатирик мухаммаслар тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин. Унинг биринчи намуналарини Турди — Фароий ижодида учратамиз.

Муқимий эса бу анъаналарни давом эттириб ўз даврининг кўпгина иллатларини кучли сатира оркали фош этувчи мухаммасларни яратади. Бугина эмас, Муқимий ўтмиш шоирлар ижодидаги сатирадан ижтимоий ҳаёт ва тузумлаги нуксонларни, шахслар табиати ва фаолиятидаги салбий белгиларни коралаш ва шарманда этиш усусларидан ҳам, мавжуд қабоҳат ва разолатни рўй-рост кўрсатишдаги изчиллик. Қатъийлик ва нафратли муносабатдан ҳам, сатирик образларнинг бутун борлигии яққолроқ ва ишончлироқ кўрсатувчи хаётий ситуацияни кашф этиш маҳоратидан ҳам, объектга лўнда, аммо кучли ҳақоратловчи характеристика бериш санъатидан ҳам ўрганди. Баъзан бу ўрганиш айрим

асарларда шу даражада равшан кўриналини, уни қайд этиш учун фактларни таққослашиш ўзи етарли бўлади. Масалан, Алишер Навоийнинг «Ҳайрат-ул-аброр» достонидаги шоҳнинг зўравон, зулмкор амалдорларининг қишлоқдаги фаолиятини тасвирловчи эпизод билан Муқимиининг «Танобчилар» сатирасидаги қишлоққа чиқкан чор чиновниклари фаолиятини ифодаловчи мисралар ана шундай намуналардан биридир. Ҳар икки шоир эпизодлари қиёсланганда мавзунинг ўхашлиги, объектларга муносабатнинг, сатирик руҳнинг умумийлиги, ҳатто ситуация ва фош этувчи деталларнинг бири-иккинчисига жуда яқинлиги юзага чиқади. Муқимиий ўзининг ўта замонавий ва тўла оригинал «Танобчилар» сатирасидаги кучли эпизодни яратишда, шубҳасиз, устоз Навоийнинг таъсирида бўлган. Навоийнинг сатирик маҳоратидан ижодий ўрганиб, шоир ўз даври материалларини сатирик таҳлил этади, ўзига замондош амалдорларнинг зўравонлиги ва зулмкорлигини фош қилиб, ижтимоий тузумдаги адолатсизликни ҳаётй мисолларда ҳаққоний кўрсатади.

Муқимиининг ўтмиш сатирадан таъсирангандигини исботловчи яна бир мисол унинг «Ҳапалак» қишлоғи ҳақидаги Махмур газалига тахмис боғлашида кўринади. Бир қатор ўткир сатиralарнинг муаллифи Махмур ўзининг бу газалида Умархон давридаги меҳнаткаш халқнинг аянчли аҳволи, сон-саноқсиз солиқлар, ўлка, қишлоқ, шаҳарларни вайронага айлантирганини Ҳапалак мисолида жуда жонли тасвирлаган эди. Бу ғазал кейинги даврларда ҳам ўзининг замонавийлик аҳамиятини йўқотмади. Чунки, Муқимий даврида Махмур яшаб ижод этган даврдан халқ оммасини яашаш шароитининг яхшиланиши маъносида заррача ҳам ўзгариш бўлмади, аксинча, халқнинг турмуши икки ёқлама зулм остида янада оғирлашди. Шунинг учун ҳам Муқимиининг худди шу сатирик газалга мурожаат этиши тасодифий эмас: шоир Махмур асари ўз даврининг ҳам ҳолатини реалистик тасвирлайди, деб ҳисоблайди ва айни замонда, ҳар байтга уланган ўз мисралари билан салафининг ғазалини янги ҳаётй фактлар билан бойитиб, мазмунини чуқурлаштиради, сатирик фош этиш руҳини кучайтиради. Натижада мазмун, мақсад, шакл, интилиш ва ғоя жиҳатидан бир бутун, мукаммал ва айтиш керакки, эндиликда Муқимий қаламига мансуб янги сатирик мухаммас майдонга келди.

Сатирик ғазалларга тахмислар тўғрисида сўз борар экан, сатиранинг специфик хусусиятидан келиб чиқадиган бир муҳим моментга алоҳида ургу бериш зарур кўринади. Гап шундаки, сатирик ғазалда (умуман барча сатирик асарларда бўлганидек) авторининг ғоявий позицияси, воқеа-ҳодисаларга муносабати айтайлик, ишқийлирик ғазалдагига нисбатан аниқроқ юзага чиқади, унда автор «мен»ининг баҳоси, дунёқараши, ҳукми бўртиб ва яққол кўриниб туради. Шундай экан, сатирик ғазалга тахмис боғлайдиган иккичи бир шоир, аввало ва биринчи навбатда, ғазал муаллифининг ғоявий позицияси, баҳоси, объект устидан чиқараётган ҳукмига тўлатўқис қўшилиши лозим, уни бирламчи асос сифатида қабул қилиши шарт. Акс ҳолда, тўла маънодаги (ғазалга ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг) тахмиснинг юзага келиши мумкин эмас.

Муқимиининг тахмисидан чиқадиган биринчи хулоса шуки, у Махмур ғазалининг ҳам ғоявий йўналиши ва уни ифодалаш усуслари билан, ҳам деталларни танлаш принципи ва бутун ғазалга берилган сатирик руҳ билан батамом келишган ва уни бўлажак тахмиснинг асоси, таянч нуқтаси сифатида қабул қилган. Ҳар жиҳатдан Махмур ғазали мисралари билан бирикиб-чатишиб кетган мисраларининг яратилиши ана шундан далолат беради. Фикримизнинг далили сифатида қўйидаги мисолни келтирамиз:

Ажириқ илдизини майдада келиларда¹ туюб,
Қайнатиб, кунда ичиб, дерлар сумалак.

¹ Муқимиий тахмисида келувчи Махмур байтлари билан Махмур асарларининг барча нашрларида эълон этилган ғазал тексти ўтрасида баъзан жузъий, баъзан жиддий фарқлар кўзга ташланади, байтлар тартиби ва сонида ҳам тафовутлар мавжуд. Масалан, келтирилган мисолдаги «майдада келиларда» сўзлари ўрнида Махмур асарлари нашрларида («Танланган асарлар», Тошкент, 1951, 15-бет; А. Каюмов, Махмур. Махмур асарларидан намуналар, Тошкент, 1956, 52-бет; Ўзбек адабиёти. З-том, Тошкент, 1959, 614-бет ва бошқалар) «ўғурида», биринчи байтда «Эшитинг» ўрнида «гўш: ил», иккичи байтдаги «турфа қишлоқ, жин урган анииг паррандалари» мисраи ўрнида «турфа қишлоқи ғазаб кардаки паррандалари» мисраи келади ва бошқалар. Тахаллус келадиган мисралар ҳам жиддий фарқланади. Муқимиий тахмисида: «Кечса Махмури учун «шоҳ карамдин не ажаб» мисраи Махмур асарлари нашрларида: «зор Махмур талаб қилди кечишини шоҳдин» шаклида берилади. Булардан ўйлаша мумкинки, Муқимиий тахмис боғлаш жараёнда Махмур сатирик ғазалини енгил таҳрир этган ёки бошқа, бизга ҳозирча номаълум манбага асосланган.

Бу байтга, ғазалнинг бошқа мисралари каби, сатирик Махмур жуда катта мазмунин ифодалаш вазифасини юклаган. Шоир «қишлоқ аҳли ниҳоятда қашшоқ, аянчли ҳаёт кечиради; унинг ейишга иони, ичишга оши йўқ; деҳқонлар оч-яланғоч, хор-зор эди» мазмунини фавқулодда маҳорат билан кичик бир деталда жуда ҳаётий ва ишонарли ифодалай олган. Ўша айловчи мазмук «ажириқ илдизини қайнатиб ейишга» маҳкум этилишнинг ўзида бутун салмоғи, кенг кўлами билан кескин ва алоҳида таъкидлаш керакки, таъсирчан, реал акси ни топа олган. Деҳқонларнинг «кундалик» емишлари шу экан, китобхон уларнинг турмуш шароитлари ҳақида аниқ мантиқий хуносага кела олади. Катта айловчи, фош этувчи мазмунни кичик, аммо, жуда характерли деталларда китобхонларга етказиши санъатидан Махмур бутун ғазал давомида фойдаланади, натижада тхлит мисралар ҳам рамзий руҳ әгаллайди.

Айтайлик, шоирнинг «товуғи игначию, ўрдагу ғози — капалак» мисраини сўзма-сўз тушуниш, шубҳасиз, хато бўлади. Юқорида келтирганимиздек ушбу мисрада ҳам, умумий фажеъ аҳволга, қишлоқнинг хароба ва вайроназорга айланганига аниқ ишора этилмоқда. Бу мисра ҳам — деҳқонларнинг оғир моддий турмушини ҳаётий деталларда конкрет кўрсатувчи далил сифатида ўқилади.

Муқимий Махмур ғазалига тахмис боғлар экан, унга формал томондангина ёндашмади,— у ғазал мағзидаги ана шу қораловчи, фош этувчи руҳни қайд этди, уни асос сифатида қабул қилди. Натижада шоир «улаган» мисралар Махмур мисралари билан мантиқий алоқага киришиб узвий бирликни ташкил этди, ягона темада яхлит ғоя, яхлит мазмунни ифодаловчи мухаммас бандларига айланди.

Диққатга сазовор жойи шундаки, Муқимий мисралари ҳам худди Махмурники каби, кўп ўринда чуқур мазмунни рамзий ибораларда ифодалаб келади. Айтайлик, қишлоқнинг «эркак-аёл» аҳолисининг «иссиқда куюб яитоғ ўтин чопишилари», «зогора ионини топса» («агар топса!») «қанд ўриида ардоқлаб ейишлари», «жази йўқ қовоқ шўрвани суюб ичишлари» худди «ажириқ илдизини қайнатиб» истеъмол қилишлари ҳақида мисрадагидек, умум очарчилик ва ночорлик ҳолатини реал тасвирлаб келади:

Чолишур янтоғ ўтун марду зап иссиға куюб,
Ер зогора ноцини топса отин қанд қўюб,
Жази йўқ шўрва каду ейдиган ошида суюб,
Ажирпқ илдизини майда келиларда туюб,
Қайнатиб, кунда ичиб, отини дерлар сумалак.

Муқимий мисралари Махмур байти гоясини, айблов руҳини янада ривожлантиргани, янада конкретлаштиргани, ҳаётий далиллар билан бойитиб, шаклан ва бадиий жиҳатдан ҳам байт билан сингишиб кетгани келтирилган мисолдан яққол кўриниб турибди. Бу беш мисра бирғаликда, тахмиснинг бошқа бандлари каби, феодализм даври қишлоғининг, унинг меҳнаткаш деҳқонларининг қоронғу ҳаёти лавҳасини ёрқин гавдалантиради, «вайрсна, тешик канга, олачук, каталаклар» дангина иборат бўлган, сувсизликдан чўлу биёбонга айланган қишлоқларнинг типик манзарасини бадиий бўёқларда ишончли чизиб беради.

Муқимий бундай аянчли ҳолатга, худди Махмур каби, бетараф, лоқайд қарамайди. Шундай мавзунинг ғазал (эндиликда мухаммас) учун танланишининг ўзидаёқ юзага чиққан автор (авторлар) позицияси — ўлканнинг вайрона, харобазорга айланишидан қайғуриш, ачиниш мотиви, қишлоқ меҳнаткашларига ҳамдардлик ва айни замонда, шундай ҳолатдан норозилик ғояларни ғазал (тахмис) руҳига сингиб кетган. Автор (лар) «менинг»нинг аламли, ташвишли, дард тўла норозилик овози бутун тахмис давомида аниқ эшитилиб туради. Бу, айниқса, ана шундай вайрон қишлоқларга шафқатсизлик билан янги оғир солиқларнинг жорий этилиши тасвирида яққол кўринади:

Кўчти ҳалқи ёпиниб кўхна, увода тўнини,
Чархдин ўткаришиб оҳу фигону унини,
Солмасун душмана ҳам бошига келган кунини,
Кечак ногоҳ эшитиб шуҳрати тилло пулинини,
Ҳапалак қўрқишидин учди мисоли капалак.

Муқимийнинг бу тахмисдаги катта ютуғи яна шундаки, у Махмур ғазалини ўз даври нуқтаи назаридан тўлдириб, ғоявий чуқурлаштирас, ўз замонасини реалистик тасвирлашда ундан ижодий фойдаланар экан, ўз салафининг ғазали йўналиши ва руҳини тўла-тўқис сақлабгина қолмасдан, шу билан бирғаликда, унинг услубига, бадиий-тасвирий воситаларига ҳар жиҳатдан мувофиқ мисралар яратишга муваффақ бўлади, мantiқий изчилликка эришади.

Махмур ғазалининг биринчи байтида маълумки ҳукмдорга мурожаат этилади. Бунда у энг юксак унвонлар билан аталади. Ташқи кўринишидан беғараз ва ҳатто мақтов шаклида бўлган бу байт, аслида кучли киноя, ўткир пичинг билан сугорилган бўлиб, ҳукмдорнинг золим ва зўравонлигига шама этади. Муқимиининг шу матлага қўшган уч мисраига назар ташланса, уларнинг худди шу руҳ, шу усул билан яратилганлигини, баъзан эса кесатиқнинг янада кескинроқ характер касб этганлигини ўнғайлик билан қайд этиш мумкин. Муқимиий тахмисидаги ҳукмдорнинг «одиллиги» ҳақидаги, «арра» нинг зулмидан боғу «чакалак»ларнинг омонлиги тўғрисидаги «ижобий» мисраларнинг чин маъноси ўта салбий бўлиб, Махмур байти оҳангидаги ўқилади:

Кўрди сандек шоҳи одилни на инсу на малак,
Арранинг зулмидин эмин ҳама боғу чакалак,
Янги ой кўзига хасмингни отурға камалак,
Эй жаҳондори зафар, кавкабай даври фалак!
Эшитинг қиссан қишлоғи хароби Ҳапалак!

Биз Муқимиининг Махмур ғазалига тахмис боғлаши мисолида ўтмиш адиблар ижодидаги сатирик анъана-лардан баҳраманд бўлиб, улардан ижодий таъсиранганигини кўриб ўтдик. Бунда энг муҳим моменти шундаки, Муқимиий салафлари меросидан ўрганаар экан, масалага ижодий ёндашади, ўз даври, шароити материалларига асосланади, ўз ғояси ва интилишлари, ўз баҳоси ва муносабатини илгари суради. Шунинг учун ҳам, масалан, Махмур ғазалига боғланган тахмис Муқимиининг энг кучли асарларидан бири ҳисобланиб, XIX аср II ярми ва XX аср бошларидаги ўлкамиз ҳаётини, қишлоқ деҳқонларининг оғир иқтисодий турмушини, вайронагарчилик ва харобазорликни реалистик бўёқларда ишонарли тасвирлайди. Қисқаси, бу масалага якун ясад айтиш мумкинки, Муқимиий лирика соҳасида бўлганидек, сатирада ҳам ўтмиш адабиётимиз йирик намояндларининг илфор, халқчил анъаналари таъсирида бўлди, уларни бойитди, ривожлантириди. Аммо, Муқимиий меросидаги кучли сатирик йўналишни, рангбаранг мавзудаги кўплаб сатирик ва юмористик асарларнинг яратилишини ана шу таъсир билангина изоҳлаш нотўғри бўлади — у қатор омиллардан бири бўлди, холос. Сатира Муқимиий ижодида, барча талантли, илфор фикрли, халқчил адиблар ижодида бўлганидек,

шоир дунёқараши, идеали, ғоявий-эстетик принциплари билан реал қолоқ борлиқ, реакцион тузум, адолатсиз ҳаётий шароит ўртасидаги жиiddий зиддиятнинг меваси сифатида юзага келди. Худди шу жиҳатдан ҳам шоирнинг сатирик мероси алоҳида аҳамият касб этади — у ўз даврининг илғор қарашларини ифодалади ҳамда халқ манфаатлари позициясидан жуда изчил ва юксак бадиийлик билан сатирик-танқидий таҳлил этди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ САТИРА

Меҳнаткаш омма, дәҳқонларнинг оғир иқтисодий аҳ-воли, қишлоқларнинг «ҳашалак»лар даражасига тушиб қолганлиги, иккиёқлама зулм остидаги ҳуқуқсиз ҳаёт, адолатсизлик ижтимоий ҳаётнинг ҳар соҳаснда ҳукмрон эканлиги ва бошқа шу кабилар Муқимий сатирик меросида етакчи мавзуулардан бирига айланган. Шоирнинг илғор дунёқараши нуқтаи назаридан, тузум ва адолат ҳақидаги ижобий идеали позициясидан ёритилган бу етакчи мавзу доирасидаги масалалар унинг деярли барча сатирик асарларинда турли қирраларда қўйнлади, рангбаранг ҳаётний материалларда аниқ танқидий мақсад билан ишланади. Бу эса шоир сатирасига чуқур ижтимоийлик руҳини сингдиради, сиёсий ранг беради. Чиндан ҳам, Муқимийнинг бир қатор сатиralарини революцияга қадар ўзбек ижтимоий-сиёсий сатирасининг биринчи намуналари жумласига киритишга барча асослар мавжуд. Ахир, «Танобчилар», «Воқеан кўр Ашурбой ҳожи» каби сатирик асарларда ижтимоий-сиёсий масала — жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик, табақаланиш, ҳукмрон адолатсизлик, инсон тенглигни, инсоний ҳуқуқ каби кардинал масалалар бирламчи шаклда бўлсада, қўйилиб, илғор позициялардан ҳал этилмайдими?! Ёки, соф ижтимоий-сиёсий тема—буржуа сайлов системасини олайлик. Ўзбек адабиёти тарихида Муқимий бу темани биринчи бўлиб бадиий адабиётга олиб кирди. Бугина эмас, масаланинг туб моҳиятини принципда тўғрн англаган шоир унинг биринчи сатирик таҳлилини берди, буржуа демократиясининг қалбаки эканлигини ишонарли кўрсата олди, «Сайлов» сатираси билан адабиётимизда бу мавзунинг кейинчалик (Завқний, Ҳамза ва бошқалар ижодида) янада чуқур ва ўткир ишланишига йўл очди.

Тўғри, Муқимий объектив тарихий шаронт ва ижти-
моий-фалсафий онг тақозоси билан синфий бўлиннини
таг-туғи билан кенг тушуна олмади, синфлар ўртасида-
ги манфаатлар зиддиятини, синфий курашни, унинг
аҳамиятини, кишилик жамиятни тарихи ва тараққиёти-
даги ролини кўра олмади, меҳнаткаш халқнинг олиб
бораётган кураши, турли шакллардаги (қўзғолон, ға-
лаён ва б.) актив норозилигидан четда қолди, мавжуд
тузумни ўзгартириш лозим, деган тўғри фикрга кела
олмади. Бу ўша жамият фарзанди бўлган шоирнинг кам-
чилиги, нуқсони эмас — тарихан изоҳланарлик бир ҳол.

Аҳамиятли жойи шундаки, Муқимий шунга қарамай,
жамиятнинг икки қутбга ажralганлигини, унда ижти-
моий тенгсизлик ҳукм суришини кўра олди, ўзи яшаб
ижод этаётган ҳаётда бойлар ва камбагаллар, тўқлар
ва очлар, катта ер эгалари ва бечора деҳқонлар, завод-
фабрика эгаларни ва улар қўлида ишловчилар мавжудли-
гини англади ҳамда уларни ўз асарларида акс эттириди.
Бу ўринда завод эгаси «Масковчи» бой Ҳодиҳўжа ва
унинг корхонасидаги ишчилар ҳақидаги Муқимий мис-
раларини эслаш кифоя. Шоирнинг сатирик мероси за-
минида меҳнаткаш халқа, камбагал деҳқонларга са-
мимий хайриҳоҳлик, ва аксинча, текинхўр табақалар
вакилларига кучли нафратнинг сингиб кетганлиги, бу-
тун асарлари давомида шундай руҳнинг бўртиб туриши
бекиз эмас, албатта.

Муқимий сатирапаридан жиддий ижтимоий пробле-
маларнинг қўйилиши ҳамда гоявий-сиёслий етуклик да-
ражасида ҳал этилиши унинг сўнгги асарларидан бири
«Воқеаи кўр Ашурбой ҳожи» сатирасида, айниқса, яқ-
қол кўринади. Шоир бу асарида ахлоқий-маиший бузук
Ашурбой ҳожининг оғир жинояти ҳақида сўзлайди,
«Фаргонада номдор, молдор» бўлган бу бойнинг ифлос
қўйлишларини ёпнб кетиш учун ҳукмрон синфларнинг
унга қилган ҳомийликларини фош этади... Ашурбой ҳо-
жи тун қоронгулигига камбағал бир кишининг уйига
яширинча кириб, жиноят қилаётган вақтида қўлга ту-
шади. Лекин жиноятчининг бой бўлганлиги учун ҳам
бутка бошн ва мингбошилар уни қутқазиб қолмоқчи
бўладилар. Воқеани худди шу аспектда қўйиб, алоҳида
урғу билан тасвиrlаш шоирнинг катта ютуғидир:

Коровул, истарши-ю, мингбошилар
Чопиб келдилар деб: «Начук, кор-зор?»

Босиб кирдилар: «Бу начук дод?» деб
Коровулнинг уйига беихтиёр.
Қўриб дедилар: «Бой экан, қочиринг!»

Шу ўриннинг ўзида сатирик шоирнинг чор амалдорлари характерларини кичик деталларда ишончли очишда катта бадий маҳорат кўрсатганлигини қайд қилиб ўтамиз. Мисралардаги «Чопиб келишлари», «бостириб уйга киришлари» деталларида амалдорларнинг шундай кутилмаган ситуацияда ўзларини тутишлари жуда реал ифодаланган: бу деталларда улардаги ҳовлиқиши ва таҳлика сезилиб туради, уй эгасига нисбатан зўравонлик ва бой ҳожига нисбатан эса лаганбардорлик кўринади.

...Халойиқ Ашурбой ҳожини яшириниб қочмоқчи бўлганида тутиб олади, уни тошбўрон — «сангсор» қилмоқчи бўлади. Бу ўринда ҳукмрон адолатсизлик ўз кучини кўрсатади. Ҳатто пристав ва қозилар, «горониш» — ҳокимлар ҳам жиноятчи бой тарафига ўтадилар. Муқимий ўз сатирасида ҳукмрон синфларнинг бу зўравонликлариға норозилик билдиради, жорий адолатсизликни қаттиқ қоралайди. Адолатсизлик эса ҳар соҳада, турли шаклларда кўринарди. Шоир сатирасига объект бўлган воқеа улардан бирп эди, холос. Шуниси, айниқса, диққатга сазоворки, Муқимий ундан ғоят муҳим умумлашма сиёсий хулоса чиқара олади: бу шундай даврки, унда «ҳақорат қилинганлар»—оддий халқ вакиллари батамом ҳуқуқсиздир; ҳукмрон синфлар бир-бирларини ҳимоя қиласидилар — мингбоши ва приставлар, қози ва горонишлар «молдор», «номдор» бойлар хизматида. Қўйида адолатсиз тузумни айбловчи ўша кескин мисраларни келтирамиз:

Ҳақорат қилинган кишилар қолиб,
Топиб бой сўзи мунда зўр эътибор,
Қачон камбағалларнинг сўзи ўтар?!
Агар бўлса ақчанг, сўзинг — зулфиқор!

Пул, бойлик, капитал асосига қурнилган жамиятнинг ижтимоий иллатларини сатирик шоир шундай аёвсиз фош этади, бош моҳиятини аниқ характерлайди. Ушбу сатирада алоҳида диққатга сазовор яна бир байт бор. Унда сатирик шоир «бой сўзи»нинг «зўр эътибор» топишининг асл сабабларидаи бирига — пул, олтиннинг у тузумда ҳал қилувчи кучига аниқ ишора этади. Ашурбой ҳожи «ғубор»ни ювиш учун барча амалдорларга

«ниҳоний» олтин-кумушлар («сийму зар»)ни «сув каби» ишлатади, пора беради.

Ниҳоний сочиб сийму зар сув каби,
Босилди машақат билан бу ғубор.

Порахўрлик эса у даврдаги ҳукмрон умум адолат-сизликтининг конкрет бир кўриниши бўлиб, деярлик расмий тус олган, одатий нормал бир ҳолга айланган эди. Хоҳ катта, хоҳ кичик — барча амалдорлар пора билан ишни битирадилар, суллоҳлик билан пул талаб қила-дилар.

Шунинг учун бўлса керак, Муқимий сатиralарининг бир қатор намуналарида жамиятдаги бу жорий иллатни фош этувчи байт-эпизодлр мавжуд. Порахўрлик, мансаб-амалларни сотиб олиш, шу мақсадда турли ҳийла-найрангларни ишлатиш, айниқса, буржуача «сайлловлар» вақтида авжига чиқади. Булар Муқимий сатирик меросида алоҳида ўрин эгалловчи «Сайллов» сатирасида жуда ихчам мисраларда лўнда ифодасини топган. Айтиб ўтганимиздек, бу асарни ўзбек адабиёти тарихида сиёсий сатираппинг илк намуналаридан ҳисоблаш мумкин. Аввало, сатирик таҳлил учун шундай мавзунинг — ўлкада эндигина жорий қилинган буржуа сайллов системасининг қалбакиллигини аниқ инят — қоралаш мақсадида «хўжа кўрсин»га қилинаётган бир формал тадбир эканлигини фош этиши мақсадида мавзу қилиб танланишининг ўзи, ҳеч шубҳасиз, Муқимий дунёқарашининг етуклигидан дарак беради, ижодининг реалистик ва халқчил моҳиятини кўрсатади.

Ғазал шаклида ёзилган, еттигина байтдан иборат бўлган бу асар буржуача «эркин» сайлловнинг асл ба-шарасини очиб ташлайди, амалдорларнинг «сайллов» жараёнидаги турли ҳийла-найрангларини фош этади. Бундай «сайлловлар»да оддий халқ вакиллари қатнашиш (сайлланиш у ёқда турсин) ҳуқуқига эга эмаслар. Шунинг учун ҳам у иккн гуруҳ бойлар, амалдорлар ўртасида бўладиган можародан бошқа нарса эмас. Сатирада якка бир амалдор эмас, балки ҳар қандай жирканч йўллар билан бўлса-да мансаб эгаллашга интилувчи амалдор-бойлар гуруҳи фош этилади. Шоир уларнинг «сайллов» давридаги ички кечинмаларини, мансаб учун «терак баргидек титраб» — қақшашларини, руҳий ҳо-

лат-кайфиятларини, ҳовлиқишлиарини моҳирлик билан тасвиirlайди.

Қачонким, бўлди ҳоким амри бирлан ибтидо сайлов,
Амалдор аҳли бошига бўлиб келди бало сайлов.
Тераклар баргидек титраб жамии қози, мингбоши,
Дегайларким: «Юзини тескари қил, эй худо сайлов!»
Сочиб қарзи-қуволта, нул кўтариб, истаюб мансаб,
Бўломмай кўп кишини синдириб қилди гадо сайлов.
Агар минг хатми қуръон этсалар қўйлар суюб арзир,
Улумдин қолди қолганлар — бўлиб эрди вабо сайлов.

Шоирнинг таъкидлашича, бу «бало, вабо сайлов» ма-
ҳаллий амалдорларнинг очиқдан-очиқ порахўрлик қи-
либ, мансаб сотиш билан шуғулланишларига қонуний-
расмий йўл очиб берди. Муқимий меҳнаткаш халқ учун
ҳеч қандай енгиллик, ҳуқуқ бермайдиган бундай «сай-
лов»ни ортиқча галва деб ҳисоблайди: Унинг тезроқ ту-
гашини ва шаҳар аҳлининг можаролардан тинчишинн
истайди.

Олурға пора элликбошилар мингбоши, қозидини,
Ижобат бўлди-бўлди, айтар эрдилар дуо сайлов.
Талоши жоҳ айлабгот чопиб отмай даме ором,
Мусулмонларни рангин айлади чун қаҳрабо сайлов.
Муқимий оғорди бошлар халойиқ гуфту гўйидин,
Шаҳар тишиб қолурди бўлсанчи эмди адо сайлов!

Муқимиининг бу асари мавжуд тузумнинг реакцион
тартиб-қоидаларини, ундаги қалбакилик ва порахўрлик-
ни, сиёsat оламидаги ҳийла-найрангларни фош этувчи
ғоявий ва бадний жиҳатдан стук сатиralар орасида ало-
ҳида ўринни эгаллайди.

* * *

Муқимиий ижодида, биринчи навбатда, унинг сатирик
меросида ўлка пектисодий ҳаётнда, ижтимоий-фалсафий
онгида жиiddий силжишлар юз бераётган даврнинг ру-
ҳи, шароит муҳри чуқур из қолдирган. Шоир ўзи гувоҳ
бўлаётган тузум ва халқ ҳаётидаги ўзгаришларин актив
позициядан ниҳоятда зийраклик билан кузатиб борди,
янгиликларнинг, ҳаракатдаги тартиб қоидаларнинг
чин моҳиятини халқчи, илгор гоялар нуқтани назаридан
тушунишга интилди. Буржуача сайловдаги қалба-
килик ва муттаҳамликни фош этувчи сатира худди
шундай ёндашувнинг мевасидир. Ўлкага капиталистик
муносабатларнинг кириқ келиши, миллий буржуазия-

нинг туғилиши, пул, капиталнинг ижтимоий ҳаётдаги ролининг ниҳоятда ошиши, буржуа ахлоқ нормалари-нинг тобора кенгроқ қулоч ёйиши, бир томондан, меҳнаткаш халқ, деҳқонлар оммаси онгида илфор Россия таъсирпда буларга нисбатан норозиликнинг кучая бориши, миллий пролетариатнинг секин-аста шаклана бошлиши, унинг ўз ҳуқуқ ва ғоялари учун, пассив бўлса-да, курашга киришни, иккинч томондан, Муқимий сатиралида, у ёки бу аспект, кўламда бўлса-да, аммо, ҳар бир ҳолатда илфор ғоявий позицияда қўйилди, ҳал этилди. Бу эса шоир сатидаларига актуаллик, ҳаётийлик, конкретлилик, халқчиллик каби муҳим фазилатни бахш этди.

«Московчи бой таърифида», «Вексел», «Дар мазамати замона», «Уруг», «Ляхтин» ҳамда «Виктор» циклидаги сатидалар «Сайлов» сатираси каби шоир замонасининг муҳим проблемаларини турлі қирраларда қамраб олади.

«Московчи бой таърифида» сатираси бу жиҳатдан, айниқса, характерли. Шоир бу асарида ҳам конкрет тарихий шаронт, реал воқеелик «пишириб» берган мавзуни таңқидий-сатирик планда таҳлил этади. ...Учар маҳаллий бойлар рус капиталистлари ва банкларидан катта-катта кредитлар олпб, бирламчи шаклларда бўлса-да, «ўз» завод-фабрикаларини қура бошладилар. Шакланаётган бу миллий буржуазия, бир томондан, рус капиталига боғлиқ бўлиб, иқтисодий жиҳатдан унга қарар бўлса, иккинчи томондан, ўзи мустақил, ўз бозорига ўзи хўжайн бўлишга, даромадни ўзигина эгаллашга уринар эди. Натижада, ўзаро кучли рақобатда бўлган миллий буржуазия рус капиталистлари билан ҳам рақобат қила бошлайди. Аммо, жуда кўп ҳолларда маҳаллий капиталистлар кризисга учраб «синар» эдилар. Муқимийнинг бу сатирасида капиталистик муносабатларнинг доимий йўлдоши—конкуренция ва кризисни Ҳодиҳўжа эшон номли кичик капиталистнинг «синиши» мисолида ишонарли тасвирлайди.

Хикоят қилас, турфа даврон экан,
Халойиқ ҳама маҳву ҳайрон экан,
Чиқиб янги масковчидин бойлар,
Синар ўтмайни баъзиси ойлар.
Хусусанки, эшони Ҳодиҳўжам,—

мисралари билан бошланади бу асар.

Ҳодиҳўжа сатирада мақтанчоқ, аҳмоқ, пул-бойлик қули, ҳийлакор, золим, судхўр, ахлоқий бузуқ шахс сифатида гавдаланади — унда буржуага хос барча салбий белгилар мужассамлашган. Сатирик шоир бу асарида завод эгалари, фабрикантлар муомласи асосида аввали капиталист ётишини, фойда масаласи биринчи масала эканлигини, уларнинг обрў ва мавқеи капиталнинг ҳажми билан белгиланишини ҳаётий фактларда ҳаққоний кўрсатади. «Московчи» бой Ҳодиҳўжанинг «сингани»ни эшитган капиталист ва банк эгалари унга мол ва кредит беришни тўхтатиб қўядилар, берган қарзларини тезроқ ундириб олиш пайига тушадилар. Мол келтириш учун Москвага кетган укаси Пошшоҳўжа қуруқ қайтиб келади — ваъдага мол беришмайди, ҳамкаслар ўртасида Ҳодиҳўжага ишонч йўқолади.

Чунончи хўжам Пошшоҳўжани
Чу Москов юборган билан мол қани?!
«Фабрикантлар ваъдага молини
Беришмай», — деди йиғлаб аҳволини
Бориб мол учун, мол ололмай келиш
Ёмон, аҳли тужжорга мушкул иш.

Ҳодиҳўжа қураётган заводини ҳам битказа олмайди, савдо ишларида кетма-кет зарбага учрайди, оқибатда олган катта қарзларини тўлашдан ожиз бўлиб қолади. Ўз мавқеини сақлаб қолишга қанчалик уринмасин, натижа чиқаролмайди; ҳовлилари сотилади, молу мулки мусодара қилинади, оиласи бузилади. Воқеаларни изчиллик билан тасвирлар экан, шоир бу капиталистнинг «фожиали» тақдирига заррача ҳам ачинмайди, аксинча, автор муносабатида қоралаш, заҳархандалик сезилади.

«Московчи» бой таърифида сатирасида, булардан ташқари, катта аҳамиятга эга бўлган яна бир эпизод ҳам борки, унга чуқурроқ тўхташни лозим кўрамиз. Муқимий ўзбек адабиёти тарихида биринчи бўлиб завод-фабрика ва корхоналарда пайдо бўла бошлаган ишчиларнинг оғир ҳаёти ва фаолиятини бу асарида қисқа штрихларда бўлса-да, ҳаётий тасвирлашга муваффақ бўлган. Ҳодиҳўжа эшоннинг «синиши» жараёнини ифодалар экан, сатирик шоир завод-корхона ишчилари («мардикорлари»)нинг унга бўлган муносабатини ҳам кўрсатади. Ишчилар, табиий, ҳали уюшмаган, сиёсий онги паст даражада бўлса-да, қўлларидан келганича бу золимга қаршилик кўрсатадилар, пассив бўлса-да, ку-

рашадилар. Бу уларнинг ишга чиқмасликларида, заводни ташлаб кетиб қолишлари тасвирида ўз ифодасини ёрқин топади. Қочиб кетган ишчи-мардикорлар ўртасида маълум бирдамлик ҳам бор, худди шунинг учун ҳам ўз қардошларига улар бу «масковчи бой»га зинҳор ёллан-масликини уқтирадилар:

Қочиб кетти маччойилар аксари,
Бориб шулки юртига таъкидлари:
«Сароеки, у бошадаш, зинҳор,
Дар онжо марав мемури, эй табор!»

Ишчиларни қайтариш, заводни йўлга қўйиш учун бўлган ҳар қандай ҳаракат кузатилган натижани бермади. Мардикорлар Ҳодиҳўжанинг рус «купеси»га ижарага берган заводидан ҳам тарқалиб кетадилар, унинг заводида ишлашдан бош тортадилар, ишлашга даъват қилиб борган хўжайнинг рад жавобини берадилар.

...Топиб мардикорини — «сийчас юринг,
Пажолиста, — дер эрди, эмди туринг»
Деди: «Ҳар куни берсанг ўн сўм ҳам
Боримайди қўй завутини, хўжам!»
Дубора яна борди бир ишга шул,
Сўқиб: «Нет, — деди, — келма дуррак! Пашўл!»

Сатира мавзуннинг органик қисми бўлган бу эпизод шу жиҳатдан ҳам алоҳида диққатга сазоворки, гарчи Муқимий пайдо бўлаётган, синф сифатида уюшаётган ишчиларнинг жамиятдаги ролини тўғри ва тўла тушуна олмаган бўлса-да, ишчилар вакилининг етук ижобий образини яратмаган, иш ташлаш воқеасини бош мавзу қилиб олиб, уни кенг кўламда ёритмаган бўлса-да, ҳар ҳолда даврнинг илфор намояндаси сифатида жамиятдаги ижтимоий бўлининши кўра олган, жумладан, ишчилар билан завод эгалари ўртасидаги зиддият ва қарама-қаршиликни идрок этган, деган тезисимизни тасдиқлайди. Шу ҳам муҳимки, сатирик шоирнинг хайрихоҳлиги ишчилар тарафида эканлиги эпизоддан сезилиб туради. Шоирнинг ишчи-мардикорларни бир-бирларига ғамхўр қилиб тасвирлаши, уларнинг фаолиятларини оқлаши, хўжайнингларга дағал муносабатларини таъкидлаши, улар устидан кулиши тасодифий эмас, албатта.

Муқимиининг чин новатор шоирлиги, реалистлиги, ижодининг халқчил, ҳаётийлиги шундаки, у эндиғина пайдо бўлаётган катта ижтимоий кучни кўра олди, принципда моҳиятнин тушунди ва уни бадиий асарда акс

эттирди. Образли қилиб айтганда, у ана шу кичик, аммо жуда муҳим бир эпизоди билан ўзбек адабиёти тарихида ишчилар синфи ва унинг революцион фаолияти каби улкан бир бинонинг биринчى пишиқ ғиштини қўйди.

Муқимий «Масковчи бой таърифидаги асарида шакланаётган миллий буржуазиянинг типик вакили бўлган Ҳодижхўжа эшоннинг салбий образини яратди. Бошқа асарларидаги каби, бу сатирадаги ҳам, шоир ҳаётийлик ва бадиийликка, жумладан, персонажлар тилини индивидуалластиришга катта аҳамият берди. Оқибатда шундай натижага эришилдики, сатирадаги ҳар бир персонаж жамиятда тутган ўрни, миллий хусусиятларга кўра ўз «тили»га, ўз манерасига эга. Бу ҳол шу персонажларнинг ички дунёсини очишида, уларнинг характеристерини белгилашда катта имкониятлар туғдиради.

Масалан, биз таҳлил этган эпизоддаги «Ҳар куни берсанг ўн сўм ҳам борилмайди» ва «Сўкиб: — нет,— деди,— келма дуррак! Пашўл!» жумлалари завод эгасининг зулми ваadolatcizligidan эзилган ишчи-мардикорларнинг конкрет вазиятдаги руҳий кайфиятларини гина эмас, балки, айни замонда, умуман хўжайниларпра бўлган салбий муносабатлари, ўз фаолиятларини эса тўғри, қаққоний деб ҳисоблашларини ўқувчига яққолроқ ва таъсирчан етказишда шоирнинг ютуғи каттадир. Муқимиининг ҳар бир сўзни ўлчаб, чертиб ўз ўрнида ишлатиш маҳоратига бу мисра яққол мисол бўла олади. У ишлашдан бош тортган, заводдан безган ва норози ишчи-мардикорларга мос — «ўз сўзлари»ни топа билган. Хўжайнинг нисбатан терс позицияга ўтиб, даваллик қилишлари ҳам, яхши маънодаги ўжарлик, иродалилик ва қатъийликларни ҳам табиий ва ҳаётий чиққанидек, уни ҳақоратлаб «сўкиб» ҳайдаб юборишлари, унга бўйсунишдан бош тортишларп ҳам ишонарли ва тўла изоҳланарлидир.

Худди шунингдек, сатирадаги иккинчи гуруҳ — хўжайниларнинг «тили» ҳам жуда пухта ишланган. Шоирнинг завод бошқарувчисининг ҳийлакорларигини яққолроқ фош этиш мақсадида унинг нутқига сизсираб ёлвориш оҳангини сингдириши, шу мақсадда «нажолиста» сўзини қўллашни ниҳоятда ўринилди. Одатда дўқ қилиш, террор, уриш-сўкиш йўлларини тутувчи бу амалдор юз берган конкрет вазият туфайли ишчи-мардикорларга ялинишга, уларни ширин муомала билан

алдашга уринишга мажбур бўлади. Шоир, жумладан, ана шу биргина сўзни жойида ишлатиш билан персонаж характеридаги муғомбирликка равшаник киритади, шу моментда унинг ички кечинмаларида таҳлика, ташвиш, шубҳа устунлигига ишора этади.

Муқимий меросида мавзу жиҳатидан «Масковчи бой таърифида» сатирасига яқин «Ўруғ» радифли ғазали мавжуд. Унда ҳам капиталистик муносабатларнинг доимий йўлдоши — кризис ҳақида сўз боради. Агар Ҳодихўжа эшон мисолида саноатдаги рақобат, «синиш»лар кўрсатилган бўлса, бу асарда пахтачиликдаги айнан ҳодиса қаламга олинади. Қишлоқ хўжалигига асосан эски феодал муносабатлар ҳукмрон бўлиб қолаверган бўлсада, баъзи соҳаларда, хусусан пахтачиликда, айрим жонланишлар 90-йилларга келиб кўрина бошлайди. Саноатнинг пахтага бўлган талабининг оша боришига мувофиқ ҳолда пахтачиликнинг ривожланишидан тўла манфаатдор эди. Бу йилларга келиб маҳаллий пахта навлари ўрнига янги навлар, масалан, «амиркон пахта» экила бошлади. Маҳаллий савдогар ва миллий буржуазия бу жонланишдан фойдаланиб, пахтакор деҳқон оммасини қаттиқ эксплуатация қилиш эвазига катта даромадлар ола бошлади. Аммо, маълумки, буржуа жамиятида ҳар қандай жонланиш, ўз навбатида, тушкунлик, кризис билан алмашиниб туради. Қишлоқ хўжалигига ҳам худди шундай бўлди: ўлкага янги пахта нави уруғларининг кўплаб келтирилиши оқибатида ўзига хос «уруг кризис» юз берди.

Ижтимоий ҳаётда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни диққат билан кузатиб борган Муқимий ўзининг «Ўруғ» радифли ғазалида ана шу кризисни акс эттириди:

Нонинп бултур еган, пойлаган эрди алар,
Хайф куюб ақчаси қилди чу ахғар уруғ...
Кимгаки ўтказсалар ваъдага олганига,
Насяга ҳам олмаёнин, эртаси қайтар уруғ.
Хирмони сармоясин боди заарга бериб,
Бир неча бойваччани қилди қаландар уруғ.

Бу асар шоир ижодининг чуқур ижтимоийлик характеристини белгилаш жиҳатидан ҳам қимматлидир. Худди шу ўринда капиталистик муносабатларнинг кириб келиши ва унинг оқибатлари мавзуида ёзилган Муқимиининг яна бир асарини таҳлил этиш мақсадга муво-

фиқдир. Бу—Муқимийнинг «чиқдӣ» радифли Завқий сатирик ғазалига боғлаган тахмисидир.

Муқимийнинг, шунингдек, Завқийнинг «Танланган асарлар»ининг барча нашрларига бу мухаммас «Вексил» («Вексель») сарлавҳаси остида берилган. Чиндан ҳам, мухаммасда капиталистик муносабатларниң кириб келишига мувофиқ ҳолда 20-йилларда банк-кредит шилари бирмунча активлашиши натижасида бой, капиталист ва савдогарлар ўртасидаги муомалаларда расмий ҳужжат сифатида ишлатила бошланган вексель ҳам тилга олинади: Муқимий мисраларида вексель бўйича қарз олган, аммо заводини битказолмай «спиган» эшон—ўша маълум Ҳодихўжанинг «жони чиққан»лиги ҳақида сўз кетади:

Мастур қолмагайким, сўзниңг йўғони чиқди,
Олтинарклари ҳам вексилни кони чиқди,
Зовутни битказолмай Эшонни жони чиқди...

Аммо, Завқий ғазалининг бош мавзуи вексель ҳужжатлари бўлмаган (унда бирор имо-ишорани ҳам, ҳатто бу сўзни ҳам учратмаймиз), ва демак (тахмис боғлаш принципларига риоя қилингани ҳолда), Муқимий тахмисининг ҳам асосий мазмунни батамом бошқадир. Завқий ғазалида ҳам, Муқимийнинг унга боғлаған тахмисида ҳам Фаргона иқтисодий ҳаётида катта воқеа бўлган пул ислоҳоти ва унинг оқибатлари тасвир этилади. Шунга кўра, ноширлар томонидан асарга берилган иомни ўзгартириш, мухаммас мазмунига тўла мувофиқ тушидиган янги сарлавҳа қўйиш зарур кўринади.

Гап шундаки, Қўқон хонлигини узил-кесл бўйсундириб, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ўз мавқенини мустаҳкамлаб олган чоризм 90-йилларда бу ерда пул ислоҳотини ўтказади. Туркистон билан алоқадор бўлган метрополия капиталистларп манфаатларини кўзлаб кўрилганди зарб этилган кумуш танга пулнинг қиммати 25 процентга камайтирилади. Ана шу ижтимоий воқеани сатирик планда тасвиrlовчи Завқий ғазалига Муқимий тахмис боғлаб, ғоявий жиҳатдан уни чуқурлаштириб, танқидий фош этиш руҳини кескинлаштирган.

Завқий ўз ғазалида пул ислоҳотининг мағзини қўйидагича қисқа ва аниқ белгилайди:

Ҳар тангада мнридин яққол зиёни чиқди.

Муқимий томонидан қўшилган мана бу изоҳловчи мисралар эса асарда гап асосан пул реформаси ҳақида бораётганлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди:

То ўтти Русиёга Фарғонанинг хирожи,
Қолди ривож олмай Хўқанди зарб ройижи².

Сатирик шоирлар бу мавзуга қалам урар экан, унга халқ манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашадилар, уларни пул ислоҳотининг, аввало, меҳнаткашлар бошига янги кулфатлар келтирганлиги ташвишга солади. Бу мавзу Муқимий учун, биринчи навбатда, замонадаги адолатсизлик ва зўравонликни, оддий халқ оммаснинг бу тузумда батамом ҳуқуқсиз эканлигини яна бир бор барадла айтиш воситаси ҳам бўлган. Шу маънода шоирнинг мана бу мисралари айниқса характерлайдир:

Ҳар ишки, халқимизра ҳокимлар этса фармон,
Қилмай иложи йўқтур, душвору хоҳи осон!

Бу мисралар ўша даврдаги ҳукмрон ижтимоий тартиб-қоидаларга, тузумга қарата айтилган кучли айнома каби жаранглайди. Халқни талаш, нарх-навони ошириш, майда савдогарларни синдириб, олтин-кумушларни йирик капиталистлар қўлида тўплаш мақсадини кузатган бу ислоҳот Муқимий тахмисида тасвирланишича, савдосотиқ ишлари тартибини бузади («Банд ўлди олди-сотди»), ваҳима ва саросималикни авж олдиради. Халойиқ (масалани аниқламоқ учун) ҳокимга арз этади. Аммо, ҳоким аниқ жавоб беришга шошилмайди, чунки бундай саросима ва бошбошдоқликдан маҳаллий амалдор савдогарлар катта фойда кўраётган эдиллар. Ниҳоят, қирқ кун ўтганидан сўнг ҳар бир танга (20 тийин) уч мирига (15 тийинга) ҳисобланади, деган «буйруқ» чиқади. Бу воқеа кенг халқ оммаси, биринчи галда ўз ҳалол меҳнати билан кун кўрувчи дехқон ва майда косибларни янада қийин аҳволга солиб, қашшоқлаштиргани Муқимий ва Завқийларни куйинтиради:

² ЎзССР ФА, Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўл-ёзмалар фонди, инв. № 7521, 59 а-бет. Бу мисралар ўрин олган банд Муқимий ва Завқий, «Танланган асарлар» нашрларидан тушириб қолдирилган.

Ройиж — истеъмолдаги, қўлланаётган ақча.

Диққат ҳама сотолмай, ё бир нима олурға,
Қассоб ети үзин гүшт ўрина тилурға,
Солган қулоқларини эл гап недур билурға,
Бозор аҳли ҳайрон савдо-сотиқ қилурға,
Сўйи самоға йиғлаб косиб фифони чиқди.

Завқийнинг сатирик ғазалини пул ислоҳоти эълон қилиниши биланоқ илғор шоирнинг унга муносабати, баҳоси сифатида тез орада ёзилган, деб ўйлаш керак. Муқимиининг унга тахмис боялаши хусусида ҳам худди шуни айтиш мумкин. Ғазал, шунингдек, тахмиснинг бутун руҳи, конкретлилик ва бўлаётган реал воқеа-ҳодисаларни ифода этиши ҳамда ҳозирги замон аниқ тугалланган феъл формаси («чиқди»)нинг радиф сифатида қўлланилиши шуни кўрсатиб турибди. Бу эса тахмиснинг ҳаётий-ҳаққонийлигини таъкидлаб, таъсир кучини оширади.

Муқимий Завқий сатирасини мухаммас шаклига келтираб экан, масаланинг туб моҳиятига алоҳида эътибор беради: чор ҳукуматининг бу тадбири кимлар манфаатини кўзлаб, ҳимоя қилади ва кимларга қарши қаратилган — аввало шу муҳим ва кескин савонни кўтариб, жавоб ахтаради. Халқчил сатирик шоирнинг жавоби эса аниқ ва қатъий пул ислоҳоти, чоризм амалга оширган бошқа иқтисодий-сиёсий тадбирлар каби, «камбағалларнинг ҳалқумидан осадиган галтак» (ричаг) бўлди, халқ ибораси билан айтганда, «ўлганни устига тепган» қабилидаги шафқатсизлик бўлди:

Ҳалқига камбағаллар гўёки галтак ўлди,
Ўлганни устига ҳам бир неча калтак ўлди,
Бу воқеа Муқимий, ҳар ерда дастак ўлди,
Пул — дабба, нарх-қиммат, устига пўстак ўлди,
Пўстак (белига) боялаб Завқий баёни чиқди.

Муқимиининг бу сатирик мухаммаси воқеани баён этиш тартиби, вазнининг енгиллиги, тилининг соддалиги, услубнинг равон ҳамда қофияларнинг пишиқлиги, сермаънолиги жиҳатидан ҳам ажralиб туради. Муқимиий ижтимоий-иқтисодий ҳаётда гулгула ясаган, жамиятнинг ҳар бир аъзоси манфаатларига тегишли бу катта воқеани халқчиллик позициясидан тасвирлар экан, ниҳоятда конкретликка эришади. Бунда шоирга халқ иборалари, мақол-мatalлари, жонли сўзлашув тилидаги тайёр бирикмалар жуда қўл келади, улар мисралар мазмунини кенг очиб тахмиснинг умумий сатирик йўна-

лишининг юзага чиқишида катта роль ўйнайди. Мисол учун мухаммас бошидаги «сўзниг йўғони чиқди» биримасига диққат қиласайлик. Китобхон уни ўқиган (эшитган) заҳоти баён қилинмоқчи бўлган воқеанинг хунуклигини, қандайдир ваҳимали даҳшатдан хабар беришини англайди, мисрадаги «йўғон» сўзи бу ўринда худди шунга ишора этмоқда. Дарҳақиқат шундай: кейинги мисраларда «афсус, халойиқ, ишлар ёмони чиқди» жумлесини ўқиймиз. Еки, шу биринчи банддаги «Эшонни жони чиқди» биримасини олиб кўрайлиқ. Бу ўринда ҳам Муқимий катта бадиий маҳорат кўрсатган. Ўзаро рақобатда Ҳодижўжа эшоннинг сингани ҳақида сўзлар экан, бу биримма билан унга ачиниш, хайриҳоҳликни эмас, балки нафратни ифодалайди. Халқ жонли сўзлашув тилида «жони чиқди» ибораси худди шу мазмунда қўлланилади ва ҳоказо.

* * *

Ўзбек демократик адабиётида чор чиновниклари ва маҳаллий амалдорларнинг зўравонлик фаолияти ва жирканч феъл-авторларини қоралаб, фош этувчи бир қатор сатирик асарлар яратилди. Бу мавзу Муқимий ижодида ҳам марказий ўринлардан бирини эгаллади. Шоирнинг «Танобчилар» номли машҳур сатираси, «Асрорқул», «Доддоҳим», «Воқеаи кўр Ашурбой ҳожи», «Мухаммаси сакеки, элликбоши ном ниҳода буданд» («Элликбоши номини олған ит мухаммаси») каби асарлари давр сатирик адабиётининг энг яхши намуналаридан бўлиб, уларда чор чиновниклари ва маҳаллий амалдорларнинг қатор салбий-сатирик образлари чизилади. Шоирнинг «Саёҳатнома»ларида ҳам бу мавзу бирмунча кенг ишланади, қишлоқ амалдорлари, мингбошиларига қисқа-қисқа сатирик характеристикалар берилади.

Бу тур сатирик асарларнинг барчасини бир умумий гоя — амалдорларнинг порахўр, золим,adolatciz, бузук, шафқатciz, ҳийлакор, инсон сифатида жирканч эканликларини кўрсатиш гояси ва айни замонда, меҳнаткаш омманинг оғир тақдирига ачиниш ва унга самимий хайриҳоҳлик билдириш мотивлари бирлаштириб туради. Шу алоҳида диққатга сазоворки, Муқимий кўп ўринларда оддий халқ вакилларини, камбағал дехқон-

ни зўравон ва золим амалдорларга қарама-қарши қилиб тасвирлайди, шуларнинг манфаатлари нуқтани изаридан воқеаларга йўналиш беради, фаолиятларини баҳолайди. Бу ижобий фазилатлар машҳур «Танобчилар» сатирасида, айниқса, равshan ифодасини топган.

«Танобчилар» сатирасига кўпдан-кўп солиқлардан бири — ер солиги, унинг амалга оширилиши, амалдорларнинг фаолияти ва деҳқонлар оммасининг уларга бўлган муносабатлари каби муҳим ижтимоий масалалар объект қилиб олинган. Маҳаллий амалдорлар ва қишлоқ бойлари учун алдаш, порахўрлик ва зўравонлик вositаси бўлган «танобкашлнк» (солиқлар миқдорини белгилаш учун экинзорлар ҳажмини аниқлаш) жараёни орқали сатирик шоир қишлоқларнинг таланиши, деҳқонлар оммасининг эса батамом ҳуқуқсизлигининг умумлашма лавҳасини чизиб беради. Таноб солиги деҳқонлар оммасини бадтар хонавайрон қилиб, уларнинг бутун йил бўйи оғир меҳнат қилиб етиштирган ҳосилларини талон-торож этилишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам Муқимий лўнда ва қатъий кўрсата олганидек, «таноб» ҳукмрон синflарга — «ўзгаларга», «роҳат», аммо, деҳқонлар учун эса «азоб» эди.

Ўи иккни ойда келадур бир таоб,
Ўзгаларга роҳату менга — азоб!

Шоир ўз сатирасини бевосита жабрланувчи оддий деҳқон тилидан ёзадики, бу приём асарнинг чуқур ижтимоий мазмунини таъкидлашга, деҳқонларнинг дунё-қарashi, кечинмалари, руҳий кайфиятларини, социал тип сифатидаги характерларини чуқурроқ очишда қулай имкониятлар беради. Деҳқон амалдорлар зулмидан, ҳукмрон адолатсизлик ва зўравонликдан норози; у деҳқонлар арзини эшитадиган, улар ҳуқуқини ҳимоя эта-диган одил кишини истаб тўппа-тўғри китобхонларга («сенга») мурожаат этади, уларга ўзининг қайгу ала-мини, юрак дардини баён қилишга киришади:

Адл қулоғила эшит ҳолими,
Зулм қилур, баски, менга золими!

Сатирик шоирнинг асарда қўллаган бу бадий приёмининг ниҳоятда муваффақиятли чиққанини алоҳида таъкидлаш лозим: у асарнинг биринчп байтларида ноқ воқеанинг мазмунини — золимнинг зулмини, ҳийла-

корлиги ва шафқатсизлигини, дәҳқоннинг аянч аҳволини, оғир қайғуси ва норозилигини биратўласига, яхлитига ўртага ташлаб, ўқувчини асл мақсад билан таништиради, унинг диққатини қамраб олади, фикрий оқими ни йўналтиради. Сатиранинг кейинги байтларида эса ана шу зулм, золимлик ва дәҳқонларнинг оғир аҳволи ва норозилиги ҳаётий деталларда, ҳар икки томоннинг хатти-ҳаракатлари ва характерлари тўқнашган реал ситуацияларда бирин-кетин очила боради.

Асарнинг бошидан охиригача (базъизда жисмоний кўринмаса-да, руҳан) икки гурӯҳ, икки қарама-қарши синф вакиллари: амалдорлар—зулм қишлоғчилар ва дәҳқонлар—жабрланувчилар гурӯҳи ҳаракат қилади, зид қўйилади; эзилган дәҳқон образи — баёнчидан ташқари амалдорлар гуруҳининг вакиллари сифатида Султон Али хўжа ва Ҳакимжонларнинг типик сатирик образлари яратилади. Бу иккала амалдор ўзларининг қишлоқ оммасига қарши қаратилган фаолиятларида бир-бирлари билан қалин иттифоқда. Муқимий бу иттифоқни халқ эртаклари руҳида фавқулодда маҳорат билан шундай тасвирлайди:

Султон Али хўжа, Ҳакимжон иков,
Бири — хотун, бириси бўлди куёв,
Иккаласи бўлди чунон иттифоқ,
Гўё хаёл айлаки . . .
Ош есалар ўртада сарсон илик,
Хўжа — чироғ ёғи, Ҳакимжон — пилтик.
Бир-бirisiga солушурлар ўрун,
Эртаю кеч ўпишиб оғиз-бурун.

Асарда амалдорлар ўртасидаги ўзаро муносабатга бу қадар эътибор берилиши бежиз эмас, албатта. Булар, шубҳасиз, Султон Али хўжа ва Ҳакимжонларнинг биргаллашиб, ҳамкорликда қишлоқдаги зўравонлик фаолиятларининг табиий ва ишонарли чиқишига хизмат қилади. Эксплуататор синф вакиллари бўлган бу икки мустақил индивидуумни бир хил мақсад, бир хил интилиш, бир хил дунёқарааш ва бир хил ҳайвоний ҳирс «дўст» қилиб қўйган. Шоир бу «дўстлик»ни халқ ибораларидан ўринли фойдаланиб шу қадар ўткир заҳарханда ва пичинг-киноялар билан тасвирлайдики, натижада, ҳар бир ўқувчи уни халқимиз томонидан доимо улутгланиб келган ҳақиқий инсоний дўстликка сира ўхшамаслигига шубҳа ҳам қилмайди. Биз юқори-

да Муқимий сатирик асарлар яратишда ҳам устоз Алишер Навоий меросидан кучли таъсирланганлиги ҳақида, жумладан, «Танобчилар»да Навоий сатираси нинг яққол таъсири қайд этилиши тўғрисида сўзлаган эдик. Чиндан ҳам, масалан, Муқимий сатирасидан юқорида таҳлил этилган парча «Ҳайрат-ул-аброр»нинг 12-бобидаги қишлоқ амалдорларининг ўзаро «дўстлиги» тўғрисидаги мисраларни беихтиёр эслатади. Навоийда ҳам худди шундай мазмун сатирик планда таҳлил этилган: «зулмда» амалдорларнинг бири «хожа», бири эса «паҳлавон»; улар «мағзу пўст»дек бири-бири билан «дўст»...

Муқимий Султон Али хўжа ва Ҳакимжон образлари нинг турли томонларини бутун асар давомида изчилик билан оча боради, жуда мос ва ўткир ўхшатишлар кашф этади. Бу икки ҳамтовоқнинг характерлари ҳам, ички дунёси ҳам бир-бирига яқин ва айни замонда шахс сифатида ўз қиёфасига эга:

Бирлари мўлтонинамо ҳийлагар,
Бирларидир кунда фиҳу гавда хар.
Оғизлари мақтаниб ўн беш қариш,
Майда сухан, эзма... занчалиш.

Бу каби ўткир, лўнда мисралардан кўриниб турибдики, сатирик шоир бу амалдорларнинг ташқи портретларини чизишда ҳам катта маҳорат намойиш этган — маънавий пуч ички дунёси, ҳайвоний ҳис-туйғу, интилишларига мос равишда ташқи жирканч қиёфаларининг характерли белгиларини топа олади. Шунга кўра бошига уч қават салла ўраган бадбашара, қўлида қамчи ўйнатиб важоҳат билан турган мўлтонинамо, ҳайвонсимон, муғомбир амалдорлар кўз олдимизда яққол намоён бўлади. Бу каби ўткир характеристика-портретларнинг, амалдорларга муносабат ва улар устидан баҳо-ҳукмларнинг бутун асар давомида оддий деҳон тилидан берилаётганини эсласак, Муқимиининг сатирик маҳорати яна бир бор яққол кўринади.

Сатира объектларига берилган умумий характеристикалар ортидан уларнинг бутун ҳийла-найранглари, қонхўр золим эканликлари конкрет вазиятларда, ҳаётий лавҳаларда бирин-кетин очила боради. Бу даврда яратилган сатирик асарларнинг жуда кўпчилигидан фарқли ўлароқ, «Танобчилар»да сатирик образлар ҳа-

Рақатда, фаолиятда, тўқнашувларда кўрсатиладики, бу ҳол асар ҳаётийлиги ва ҳаққонийлигини оширади, образларининг чиндан ҳам салбий эканлиги фактларда «исбот этилишини», ишонарли бўлишини таъмин этади. Амалдорлар таноб ўлчаш учун келган қишлоқларида, биринчи навбатда, дәҳқонларни йифиб, уларга руҳий таъсир кўрсатишга киришадилар. Бу ишда диний таълимот ва тушунчалар уларга айниқса қўйл келади: амалдорлар ҳокимлик ва зўравонлик ҳуқуқларини ўзларининг ижтимоий келиб чиқишлиарини авлиёларга, «Эрхубби ва Биби Убайдалар»га мансуб эканликлари билан ҳам асосламоқчи, содда дәҳқонларни дин номидан чўчитмоқчи бўладилар. Бу мисралар билан сатирик шоир Султон Али хўжа ва Ҳакимжонларнинг пихини ёрган муғомбир эканликларини, талон-торожда турли воситалардан тап тортмай фойдаланувчи тажрибали муттаҳамлардан эканликларини очиб ташлайди ва айни замонда диний тушунчалар уларга бир ниқоб бўлиб хизмат этишига ишора қиласди:

Кайсики қишлоққа тушар отидин,
Элни йигиб воқиф этар зотидин.
Дерки: «Қўзунгга ҳали кал жўжаман,
Маҳдуми аъзамлик ўзим хўжаман!
Бизга бобо ҳазрати шоҳлиғ мозор,
Мухлисимиз мардуми аҳли диёр,
Ҳам яна Эрхубби бўлодур таго!
Аммамизинг эрларидур Нурато!
Биби Убайда бўлодур холамиз!
Гоҳ келур эрди кичик боламиз.
Ҳизр отамларга буродар эрур!
Чимлиғ азизлар менга додар эрур!

Қалбаки «авлиёлар» бундай руҳий тазиيқдан бир катта мақсадни кузатадилар: ўз буйруқ ва ҳайвоний талабларининг дәҳқонлар томонидан сўёсиз ва, энг аҳамиятлиси, «яхши билиб» бажарилишини талаб қиласдилар. Муқимий бу асарида чуқур ғоявийлик билан бир қаторда юксак бадиий маҳоратни ҳам намойиш эта олганлиги сатиранинг композицион пухта қурилганлиги, воқеа-лавҳаларнинг бир-бири билан узвий боғланиб, мантиқий изчил уланиб кетишида, характерларнинг турли салбий нуқталари табиий равишда фош этила боришида ҳам яққол кўринади.

Масалан, ўзларини «илоҳийлаштирган», ҳар нарсага қудратли ва журъатли қилиб кўрсатган амалдор-

лардан қуидаги дўқ-пўписаларни кутиш тўла мантиқий ва изоҳланарлидир:

Ут қўюбон куйдуратурғон ўзим!
Хокимингу ўлдуратурғон ўзим!
Хоҳ танобингни дучандон қиласай!
Хоҳ карам бирла бошингни силасай!

Ёки:

Икки танобингни қиласай ўн таноб!
Юртингизни куйдурууб айлай хароб!
Хоҳ ўлинг, хоҳ қолинг, баччағар!

Айниқса бу парчада Муқимий сатирасининг реалистик мағзи, ҳаётйлиги, таъсир кучи бўртиб юзага чиқади. Шоирнинг тасвирича, бу амалдорлар бутун-бутун қишлоқларни ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳеч бир тортинмай «куйдириб» юборишга тайёр турган ёвузлар, ҳеч бир гуноҳи бўлмаган бечора деҳқонларни «ўлдиришга» отланган ваҳшийлардир. Улар деҳқонлар билан ҳатто инсонларча муомала қилишни ўзларига эп кўрмайдилар. Худди шунинг учун ҳам «хоҳ ўлинг, хоҳ қолинг» қабилида иш тутадилар, очиқдан-очиқ ҳақорат қилиб сўкинадилар. Бу эпизод орқали Муқимий чор чиновниклари ва маҳаллий амалдорларнинг ёвуз башараларини, ҳайвоний интилишларини бутун моҳияти билан очиб ташлади.

Шоир образларнинг маънавий қиёфаси, ички дунёси, ўй ва интилишларини қисқа, аммо аниқ ва тўла ҳолида китобхонларга етказиш йўлида турли санъатлардан усталик билан фойдаланади. Бундай ҳол асар композициясини тузишда ҳам кўринади. Жабрланган деҳқон тилидан ёзилган асарда воқеанинг оқими ва вазиятга қараб, гоҳ авторнинг ўзи бевосита аралашиб, айрим ҳодиса-фаолиятларни баҳолашда қатнашади, деҳқон образи билан автор «мен» бирлашиб кетади, гоҳ асар давомида сатирик образларнинг «ўз» монологлари келтирилади. Натижада асар қачонлардир бўлиб ўтган воқеанинг баёни шаклидан, мавҳум ҳолидан бўлаётган ҳаётий воқеанинг тасвирига айланади, манзара эса ўзининг бутун қирралари ва кўлами билан китобхон кўзи олдида гавдаланади.

Муқимийнинг монолог шаклидан фойдаланиб сатирик образларнинг ўз-ўзини фош этиш приёмига мурожаат этиши танқид қилинаётган обьектнинг ички дунёсини, пуч моҳиятини, жирканч ниятларини тўлароқ акс

эттиришда катта имкониятлар берган. Қелтирилган сўнгиги парча бунга яққол мисол бўла олади. Унда ёвуз, йиртқич, шафқатсиз амалдор ўз ёвузылигини, йиртқичлигини, зўравонлигини ўзи конкрет ва кескин шаклда намойиш этади, «бўйнига олади». Кучли сатирик эфект яратувчи бу приём сатирамиз тарихида Муқимийга қадар ҳам муваффақият билан қўлланиб келган. Айниқса, Махмур ундан жуда унумли фойдаланган. Муқимий ана шу традицияни давом эттириб, янада ривожлантириди.

«Танобчилар» сатирасида амалдорларнинг ўзбошимчалик ва зўравонликлари тасвирланар экан, улар қаршисида дехқонлар оммасининг батамом ҳуқуқсиз эканликларини реал кўрсатишга ҳам катта ўрин ажратилган. Шу мақсадда сатирик шоир ишончли лавҳалар чизади, далилларда исботловчи вазиятлар яратади. ...Химоясиз дехқонлар золим амалдорлар зулмидан қутулишга интиладилар, аммо нажот йўлини топа олмай қийналадилар. Ўзаро маслаҳат қилиб, бирдан-бир восита — пора беришdir, деган қарорга келадилар. Асарда бу эпизод ҳам жуда ҳаётий аксини топган. Бор-йўқларини йигиштириб порани тайёрлаб қўядилар, аммо безиллаб қолган дехқонлар уни «узангига оёғини тираб» турган амалдорларга топширишга ботина олмайдилар. Охири, бундай воқеаларни кўравериб «тажриба» орттирган қишлоқ мўйсафидлари бу вазифани ўз бўйниларига олиб, «муридлардан назр» деб, порани берадилар. Содда дехқонлардаги пора тўплаш пайтидаги таҳлика, қийналиш кайфияти, ташвишли югуришлар, қарияларнинг аралашуви, тўпланишиб маслаҳат уюштиришлари ва ниҳоят, пора беришдаги қўрқув, андиша ва билимдонлик Муқимий томонидан жуда реал, жонли тасвир этилган:

Бир-бирига қишлоқ эли боқишиб,
Гоҳ уён, гоҳ буён чопишиб,
Жамъ бўлиб айлаюбон маслаҳат:
«Дўғмага, — дер, — бир нима бериб жўнат!»
Ақча қўлида, икки-уч мўйсафид
Дерки: «бу назрингизу бизлар — мурид!»

Агарда амалдорлар «бир нима» — порани олиб, тинчгина кетганларида эди, уларнинг зўравон амалдор сифатидаги ваҳший қиёфалари тўла очилмаган бўлур эди. Муқимийнинг катта ютуғи, шундаки, у мантиқий изчил-

ликка эришади, амалдорларни фош қилишини кучайтира бориб, пора олиш билан қаноатланмаганликларини ҳам кўрсатади, танқидни қиёмига етказади:

Зулм билан эллигу юэни олур,
Боз танобини дучандон солур.

Бу сатиранинг олий нуқталаридан бири: зўравон амалдорлар «зулм билан» ҳам пора оладилар, ҳам ер солиғини ошириб («дучандон») белгилайдилар. Деҳқонларнинг умиди пучга чиқади, улар янада оғир кулфатларга тушиб қоладилар.

Муқимий «Танобчилар»да чор амалдорларининг ёвузлик фаолиятларини шу қадар ишонарли тасвирлайдики, уни ўқиган ҳар бир кишида уларнинг чиндан ҳам золим, порахўр, дағал, муттаҳам эканликларига бирор шубҳа қолмайди ва оқибат натижада, бу амалдорлар ва уларнинг ҳомийларига, замона ва тузумга нисбатан нафрат, кучли норозилик туйғулари шаклланади. Замона, тузум эса худди шундай катта-кичик амалдорлар қўлида эди, улар манфаатига хизмат этарди, зулм этувчиларни ҳақ ҳисоблаб, жабрланувчиларни айбдор деб топарди:

Тоғи булар яхшию бизлар ёмон —

дехқон тилидан айтилган бу мисрада сатирик шоирнинг мавжуд ҳукмрон адолатсиликдан чуқур ўкинчи ҳамда кескин норозилиги аниқ эшитилади. «Танобчилар» асари Муқимий давридаги деҳқонларнинг оғир иқтисодий ва батамом ҳуқуқсиз аҳволини, чор ва маҳалий амалдорларнинг зулми ва ўзбошимчалигини, амалдаги тартиб-қоидаларни реалистик планда бадиий тасвирловчи ишончли тарихий ҳужжатdir. Бу сатира ўзбек демократик адабиётининг реализм методи асосида яратилган энг муҳим ва энг йирик асарларидан биридир.

* * *

*

Муқимиининг мухаммас шаклида ёзган «Ҳажви Бектурбой» асари ўз мавзуи, тақдири, тарқалиши, давр адабиётида, биринчи навбатда, ундаги сатирик йўналишда ўйнаган роли жиҳатидан алоҳида диққатга сазовор.

Аввало, мавзуи тўғрисида. Буржуа-капиталистик муносабатлар тобора мустаҳкамланаётган, адолатсилик

ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасида ўз ҳукмини ўтка-заётган, бойлик, капиталнинг роли ҳал этувчи даражага кўтарилигдан тузум фирибгарлик, ҳийлагарлик, тамаъгирилик, товламачилик каби ижтимоий иллатларнинг ку-чайишига кенг имкониятлар яратди.

Моддий ҳаёт шароитлари туғдирган бу каби иллатлар, айниқса, жамиятнинг «эгалари» бойлар, савдогарлар, капиталистлар, дин арбоблари фаолиятларида турли мазмун ва шаклларда етакчи ўринга чиқди: улар бойлик тўплаш учун жирканч ҳийла-найранглар, ғайри инсоний ишлар қилишдан ҳам қайтмайдилар, барча во-ситаларни яроқти ва мақбул деб ишга туширадилар. Бу — хусусий мулкчилик асосига қурилган жамиятнинг «ўз» характери, қиёфаси, қонунлари билан оқланади, изоҳланади.

Ана шундай аҳволнинг жонли гувоҳи бўлган Муқимий ҳукмрон буржуа ахлоқ нормаларини танқид этувчи, юқори синф вакилларининг ифлос кирдикорларини фош этувчи қатор асарлар яратади. «Дар мазаммати замона», «Дариғо мулкимиз», «Чойфуруш», «Хожи қа-доқчи», «Гап ҳақида гап» каби сатирик руҳдаги асарлари шулар жумласидан бўлиб, уларда худди шу мавзу — адолатсизлик асосига қурилган замонадаги фирибгарлик, товламачилик, қароқчилик, бузуқлик, имкон борича талаш, бир сўз билан айтганда, «кишининг кишига бўри» эканлиги турли қирра — даражаларда танқидий ишланди. Энг муҳими, Муқимий бундай аҳволнинг қурбонлари аввало «беваю бечоралар» бўлганлигини кўра олди, шулар позициясидан фош этди.

Дариғоким, ажойиб турфа бир охир замон бўлди,
Ики қўл то ёқода юрмасанг ишлар ёмон бўлди.
Уруб бир неча ерни босмачилар зор қақшатди
Ки, аксар беваю бечоралар бехонумон бўлди.

Шундай шароитда «Бектур (Виктор) воқеаси»нинг юз бериши ҳеч ажабланарлик эмас эди. Даврда катта шов-шувларга сабаб бўлган, қатор шоирлар диққатини ўзига тортиб асарларига мавзу бўлган бу воқеанинг асосий мазмунини Н. П. Остроумов бирмунча батаф-сил ёзиб қолдирган. ...Қўқондаги оға-ини Қаменскийлар конторасида Виктор Дмитриевич Аҳматов бош бошқарувчи бўлиб, айни замонда, йирик савдогар ҳам эди.

У фойда орқасидан қувган маҳаллий бой, савдогар, капиталистлардан Европадан турли моллар келтириб бераман деб, кўплаб пулларни тўплаб олади-да, 1889 йилнинг октябрь ойида сохта ҳужжатлар билан қочади.

Шу воқеа Муқимийнинг сатирик мухаммасига мавзу қилиб олинади. Товламачи Викторни фош этиш билан биргаликда, бойлик, фойда деб ақлдан озиш даражасига етган маҳаллий бой-савдогарларнинг лақмаликларини ҳам майна қилиб, улар устидан кулувчи бу асар халқ орасида жуда тезлик билан шұхрат топади.

Сатиранинг айрича тақдири ҳам диққатга сазовор. У Муқимийнинг рус тилига таржима этилган, ўша йиллардаёқ Петербург нашрларининг бирида (асл текст билан бирга) эълон қилинган биринчи сатирик асаридир. Айтиш керакки, мазкур сатира фақат шу манба орқалигина бизга етиб келган.

Биз юқорида қисқача келтириб ўтган Н. П. Остроумовнинг Виктор воқеаси тарихи ҳақидаги маълумотлари Муқимий сатирасининг ўзбек ва рус тилларидаги шу нашрига сўз боши — изоҳ ўрнида берилган. Сўз боши — изоҳ муаллифининг ёзишига кўра, у 1891 йил июнь ойида Кўқондалик вақтида ҳофизлар ижросида Муқимий сатирасини илк бор эшитган ва келгуси куни унинг текстини олишга муваффақ бўлган; сатирани рус тилига таржима қилган ва 1896 йилда «Рус археология жамияти Шарқ бўлими запискалари»нинг IX томида нашр эттирган.

Бу маълумотлардан Муқимий сатирасининг халқ орасида кенг тарқалганлиги, ҳатто ҳофизлар репертуаридан ўрин олганлиги аниқлашади. Н. П. Остроумов ёзган сўз боши — изоҳ бошқа бир муҳим масалани ёритишида ҳам ишончли манба бўлиб хизмат қиласи. «Тошкент, 1893 йил 2 январь» санаси қўйилган бу сўз боши — изоҳида муаллиф 1891 йил июнь ойида сатира текстини олганлигини билдиради. Виктор воқеаси эса 1889 йил охирларида юз берган. Булардан, агарда кенг тарқалиши, ҳофизлар репертуаридан ўрин эгаллаши учун бирмунча муддат ўтиши табиийлигини назарда тутсак, Муқимий ўз сатирасини хозиржавоблик билан жуда тезликда (воқеа содир бўлиши биланоқ) яратган, деган холосага келиш мумкин.

«Ҳажви Бектурбой» сатирасининг яратилиш факти шуни кўрсатадики, Муқимий ўз даври ижтимоий ҳаёти-

да юз бераётган воқеа-ҳодисаларга лоқайд муносабатда бўлмаган, унинг ўткир сатирик кўзи улар моҳиятидаги иллатларни зийраклик билан кўра олган ҳамда халқ-чиллик позициясидан фош этиб умум кўпчиликка ҳавола этган. Сатирада асосий найза «макру ҳийла ишлатган» товламачи Викторга қарши қаратилган бўлса-да («маълум, машҳур Хўқандға шайтон экан Бектурбой»), сатирик шоир пул — бойликларидан ажраб «синган» савдогар, судхўларга ачиниш ҳиссини асло уйғотмайди, балки, аксинча, уларнинг хомтамаъ, лақмаликлари, мол-дунё деб ҳовлиқишлиари устидан заҳарли кулги қўзғотади.

Фирибгар Виктор Аҳматов қўлга олиниб 1892 йил август ойида Фарғона область судида кесилади. Аммо бу суд процесси анча кечиккан эди. «Маҳаллий шоир қўйқонлик Мадаминхўжа (уни Муқимий деб ҳам аташади) Виктор бой устидан суддан ҳам олдинроқ ҳукм чиқариб, қўйидаги мисраларни ёзган эди», — деб сўз боши—изоҳда ёзган Н. П. Остроумов шоир сатирасининг текстини келтиради. Бу ҳаққоний баҳога тўла-тўқис қўшилмоқ керак. Чиндан ҳам «Ҳажви Бектурбой» даврнинг ахлоқ нормаларини танқид этувчи тарихий айбномадир.

Афтидан, Виктор «иши»га ўхшаш воқеалар турли кўринишларда Муқимий даврида кўплаб юз бериб турган. Гап шундаки, сатирик шоир меросида «Ляхтин» радибли бир газал мавжуд бўлиб, унда ҳам айни шундай товламачилик ва фирибгарлик ҳақида сўз боради, бундай ярамас сифатлар кучли қораланади.

XIX асрнинг охиrlарига келиб ўзбек адабиётида Виктор воқеаси темасида бир қатор сатирик асалар яратилди, бу мавзу Завқий, Писандий каби шопрлар ижодида танқидий-сатирик планда таҳлил этилди. «Ҳажви Бектурбой» мухаммасидан ташқари шу темадаги яна бир мухаммас ва каттагина маснавий ҳам Муқимий қаламига нисбат берилади. Ана шу тур сатиralарнинг юзага келишида Муқимийнинг хизмати катта бўлган. Чунки, Н. П. Остроумов маълумотларига таяниб айтиш мумкинки, шоирнинг биз юқорида сўз юритган мухаммаси шу мавзуда ёзилган биринчи сатира сифатида тезлик билан тарқалиб, бошқа шоирлар ижодида ҳам бир қатор сатиralарнинг ёзилишига туртки бўлган.

МУҚИМИЙНИНГ ГОБСЕҚИ. «БАЧЧАФАР» «АВЛИЁ»ЛАР

Муқимийнинг сатирик меросида тузумдаги ижтимоий иллатларни, буржуа ахлоқ нормаларини ва улар асосида тарбияланган, характерлари шаклланган юқори синф вакилларининг феъл-автори ва қилмиш-фаолиятларидағи жиддий нұқсанларни, ғайри инсоний белгиларни сатирик фош этувчи асарлар ичидә «Түй» сатіраси алоҳида ажралиб туради. Ҳажм жиҳатидан шоирнинг йирик асарларидан бири бўлган бу сатира мавзунинг чуқур ва кенг ишланиши, реалистик сатирик образларнинг чизилиши, ҳаётий лавҳа-деталларнинг моҳирона берилиши, қурилиш ва композицион пишиқлиги, тил, услугуб ва бадиият мукаммаллиги билан Муқимийнинг улкан сатирик санъатига яна бир яқъол далил бўла олади.

Асарнинг сюжети унча мураккаб эмас. Воқеа тошкентлик бой-савдогарнинг Қўқоннинг Иқон маҳалласида истиқомат қилувчи гумаштасига хатна тўйини ўтказишига рухсат бермай «сим қоқиши»дан бошланади. Ана шу кўз илғамас кичик, айтиш керакки, «шахсий» воқеа тасвири орқали сатирик шоир умуман бой-савдогарлар ва шу шароитда етишиб чиққан ижтимоий гуруҳ—гумашталарнинг социал характерини фавқулодда маҳорат билан чизади, адабиётимиз тарихида хисисларнинг классик образини яратади. Гумаштанинг шахсий оиласий маросим ўtkазиш учун рухсат сўраб бошқа шаҳарда турувчи бой—«хўжайнинг»га мурожаат этиши мазмунини (шунга жавобан «хўжайн» «сим қоқиб» тўй қилишга рухсат бермайди) сатирик шоир томонидан асар мазмунига сингдириб юборилиши тасодифий эмас. Бу гумаштанинг социал тип сифатидаги характерини очишида катта имконият яратади: гумашталар ўз хўжайнларига фақат моддий жиҳатдангина эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам қарам эканликларини таъкидлаш билан биргаликда, айни замонда ва шунга боғлиқ ўлароқ, хўжайнидан қўрқишилари, лаганбардор ва мунофиқлик каби социал характерларига равшанлик киритади.

«Хўжайн»нинг ўзи асарда бевосита иштирок этмайди. Аммо унинг «сим қоқиши» мазмунидан қандай шахс эканлнгини ўқувчи осонлик билан билиб олади: шу учтўрт байтда тошкентлик бой-савдогар характерининг етакчи белгилари, ички дунёси, онги, мол-мулкка, капитал—«дастмоя»га муносабати тўла-тўқис аксини топтади.

ган. У гумаштадан тўй қилмасликни ультиматиум руҳида қатъий талаб қиласр экан, аввало «дастмоянинг бутун» бўлиши устида қайғуради. Бу шахснинг борлиғи, фаролияти, мантиқи, ҳаётдан кутгани ва яшашдан мақсади бирорвга заррача манфаат етказмаслик, иложи борича олиш, аммо асло сарфламаслик фалсафасига асосланади ва ўз гумаштасини ҳам шунга даъват этади:

Хўжайн берди Тошкентдин тил,
«Тўй қиласр бўлсанг, қўй ўзингни кафил!
Не керак сизга тўй қилмоқлик?!
Керилиб обрўй қилмоқлик?!
Мен ризомас кишига нон берсанг!
Е товуқ сақласанг-у, дон берсанг!
Тўйнугингдин агарда чиқса тутун,
Мунда бер дастмояларни бутун!
Бўлса уммидингиз агар биздин,
Манфаат кўрмасин бирор сиздин!».

Қўйма бирикмалар даражасига кўтарилиган бу мисралар бойнинг ўта хасислиги, ифлос ички дунёси, пул, олтин учун ҳеч нарсадан тоймаслигинга берилган ёрқин характеристикадир. Шу муҳимки, бу ўринда ҳам Муқимий ўз-ўзини фош этиш каби кучли сатирик приёмдан жуда ўринли фойдаланган. Шоир хўжайнини ўзини «гапиририар» экан, унинг характеристига, дунёқарашига мос «ўз» сўзларини шу қадар усталик билан танлаб ишлатадики, натижада бойнинг хўжайнлик муносабатини, буйруқ руҳидаги қатъийлик оҳангига ҳукмрон муомаласини, талаби ва дўқ-пўписасини ифодаловчи стил яратади.

Хўш, гумаштанинг ўзи социал тип ва индивидуум сифатида қандай тасвиранади? Социал тип сифатида бой-савдогарга ҳам иқтисодий, ҳам маънавий қарам эканлиги ва шу жиҳатдан ҳам унинг қаршисида қўрқиб-титраши, лаганбардорлик ва мунофиқлик қилиши хусусида юқорида сўзланди. Бу белгилар унинг тўй ўтказиш учун хўжайниндан рухсат сўрашидаёқ равшан юзага чиқади.

Сатирик шоир гумаштанинг индивидуум сифатидаги характеристини очиш учун шундай вазият яратадики, унда гумашта икки «бало»дан бирини танлаб олишга мажбур ва шу тарпи ўз ҳамкаслари, савдо муомласида бўлган кишилар олдида обрўйини тўкиши, эътибордан қолиши керак ёхуд «хўжайн» талабларини рад этиб (ва демак «дастмояларни бутун қайтариб») элга тўй

бериб катта чиқимдор бўлиши керак. Бошқача йўл йўқдай...

Асарда тасвирланишича, гумашта ҳам инсон сифатида ўша бой, савдогарлар тоифасидан. У ҳам ўз хўжайини каби капитал қули бўлиб, унга сажда қиласди. Шунинг учун ҳам хўжайнинг тўйни ман этишидан ниҳоятда «шод» бўлади. Гумашта хўжайнин талабларини мамнунлик билан қабул қиласди ва демак, тугун шу билан ечилиши, масала ҳал бўлиши, воқеа тугалланиши мумкин эди. Аммо сатирик шоир воқеани янги ҳаётий конфликтлар билан яна ривожлантиради. Халқ ҳаёти, урф-одатини яхши ўрганган Муқимий гумашта билан унинг оиласи ўртасида янги ҳаётний конфликт юзага чиқаради. Чиндан ҳам, тўй маросими масаласида онанинг ризолиги, хоҳиши, орзу-умидларини иккинчи даражали деб бўлмайди — улар билан тўла ҳисоблашиш лозим. Она эса тўйни ўтказиш лозим деб қатъий туриб олади, эри билан жанжал қилишга киришади. Бу момент воқеага янги буров бўлиб, уни шиддат билан йўналтиради, натижада гумашта образининг янги-янги қирралари деталларда тўлароқ очила боради.

Муқимий юз берган оилавий конфликтни моҳирлик билан ишонарли акс эттирган:

.. Ушбу мазмунда сим қоқди хўжайнин.
Шод бўлуб эр, хотин деди: «Ўлайин!
Соф ният сувики лойланса,
Не ажаб, хайр эшиги бойланса?!
Кичигу катта, хўрд ила реза,
Қандилар бир-бирига истеза.
Ўй ичи ўринига ўюн-кулгу
Юлушиб юз, йиғи-сиғи қайғу.
Ташқарида қимирлаган эрқак,
Бир-бировига аччиғу жиртак.

Шу парчаданоқ кўриниб турибдикӣ, бу ҳаётий конфликтни тасвирлашда сатирик шоир ёрқин лавҳалар яратади, ўхшатишлар, киноя, кесатиқ ва муболагалардан тортиб, ҳатто айрим сўзлар ҳам юз берган тажанг ҳолатга ишора этади, вазиятнинг жиддийлигини чертиб кўрсатади.

Тўй масаласида икки хил қараш асосида эру хотин ўртасидаги зиддият она фойдасига ҳал бўлади. Муқимий персонажларнинг характеристидан, дунёқарашидан, онги ва юз берган вазиятга муносабатидан, уни тушуниш даржасидан, ҳатто жинси, оиласида тутган ўрни ва шу ка-

билардан келиб чиқиб, уларнинг қар бир хатти-қаракатини усталик билан баён қилади, оиласвий жанжални равшан акс эттирувчи деталларни кашф этади:

Тўйга ўз тухмидин хотин демади,
Аччиғидин отаси ош емади,
Тўй-тамошо азага айланди.

Демак, гарчи оқибатда азага айланган бўлса-да, тўй бошланди. Гумашта иккинчи йўлни — хўжайин талабини рад этиш йўлини танлаб олди. Шундайми? Йўқ! У учинчи бир йўлни топа олди: хотиннинг райига ҳам юрди, хўжайниннинг талабини ҳам тўла бажарди. Гап шундаки, хўжайин тўйнинг ўзига қарши эмас эди, у нул сарф бўлишига, катта чиқимга, «дастмояга» зиён етишига қарши эди. Гумашта унинг худди шу талабари га тўла-тўкис риоя қилди ва хотинини тинчтиш, гап-сўзларга барҳам бериш мақсадида, сатирик шоир аниқ ифодалаганидек, «ночор», «ёлғондин» «тўй» қилди. Сатиранинг биринчи байтидаёқ берилган бу мазмун шу йўсинда очилади, тўйнинг чиндан ҳам «ночор», «ёлғон»-лиги эса асарнинг кейинги қисмларида бирин-кетин конкрет «мисолларда исботланади».

Бевосита «тўй»нинг тасвирини, шартли равишда, асарнинг иккинчи қисми деяниш мумкин. Воқеаларнинг мантиқий оқими оқибатида, қисқаси шундай вазият юзага келдики, унда гумаштанинг катта бой-савдогарга қарам, моддий боғлиқ кичик бой-савдогар сифатидаги белгилари ҳам, инсон сифатидаги ўз шахсий характеристери ҳам бутун қирралари билан намоён бўлади. Сатиранинг бу қисмida шоир диққат марказига гумашта образи кўчади, унинг «тўй» тасвири фонида сатирик образини чизиш биринчи планга ўтади. Эндиликда шоирнинг нафрат уйготувчи ўтқир кулгиси ҳукмрон ўринга чиқади, у шафқатсиз ва майна этувчи руҳни эгаллайди. Сатиранинг бу қисми бўйича ўқувчи қўйидагиларга гувоҳ бўлади:

Гумашта «тўй»ни яширин ўтказишга қарор қилди. Кўпчиликнинг билиб қолишидан ваҳимада, шунинг учун ҳам у уй ичида—«тўйхона»да фавқулодда ҳолат жорий қилади, қаттиқ тартиб-қоидалар ўрнатади. Гумашта ва унинг ҳамтовоқларининг «секин бозорга чиқишлиари», сўйилган «ёриқ қўйнинг гўшт или ёғини хумга босишлиари», «оёқ учida каллага етгудек гурунч ва ёғ олиб келишлари», «ис чиқармасдан (!) ошни дамлашлари»нинг

тасвири сатирик шоирнинг катта бадинй кашфиётларни жумласидан бўлиб, ўрнатилган қаттиқ тартибга ишора этади, маросимнинг махфий ўтаётганлигини ниҳоятда реал чизади.

«Тўй»хонадаги юракни сиқувчи кескин ва айтиш керакки, тажанг вазиятнинг тасвирига диққат қиласайлик. Ў ерда шодлик эмас, ғулгула, қўрқув аралаш эҳтиёткорлик ҳукмрон. Шоир мисраларида, шунга кўра, кулигилик тасвирга қайфу, фамгинлик ҳам аралашади, фажеъ оқанг ҳам қўшилади. Фразеологик бирикмалар дарајасига кўтарилиган мисралар қатъий ўлчовли: улардаги сўзларни ўзгартириш, тушириб қолдиришгина эмас, ҳатто тартиб жойларини алмаштириш ҳам ҳалал етказади — шу даражада қўйма ва табиий:

Учоқ устида гар йўталса бирор,
Ер эди елкасига етти кўсов.
Бири қаттиқ чиқорса овозин,
«Билмасин қўшни!» — деб тутиб оғзи.

Гумаштанинг «тўй» куни ҳеч кимга билдирамай, одам юбориб катта эҳтиёткорлик билан «етти кишини» (!) чақириши, уларга ялиниб-ёлбориб тўй қилаётганини сир тутишларини илтимос қилиши, «кўча дарбоза тўй куни занжирлаб» қўйилнши эпизодлари ана шу ҳукмрон вахима ҳолатни кучайтириш билан биргаликда унинг характерининг ўта мумсиклигини кўрсатувчи ҳаётий деталларга айланади. Сатирик шоир ўринли қўллаган «оқшомда», «илдам», «олдириб келди», «шовқунламай», «имо билан деди» каби сўз-иборалар «тўй» процессининг қандай ўтганлигини кўрсатади, айни замонда, гумаштанинг муғомбир башарасини тўлароқ фош этишга ҳам хизмат қиласади. Гумаштанинг «тўй»ни қатъий сир тутишига мантиқий асосланган бир неча сабаблар бор. Аввало, у хўжайниннинг районини назарда тутишга мажбур, унинг измидан батамом чиқа олмайди. Бу ва иккинчи сабаб сатирик шоир томонидан қуидаги мисраларда лўнда ва равшан ифодаланган:

«...Яхшилар, «тўй қилди», — демаңг зинҳор,
Хўб бўлмас эшитса хешу табор!
Билсалар бойлар, аҳли расталарим,
Ичларида қийин кейин юрарим,
Нима кўп менда ёру ошно кўп!
Бой кўп! Шайху хўжа, мулло кўп!
Етса ногаҳ қулоқларига бу гап
Обрўйим кетиб қолур-да тугаб!
Мен бир одамнинг одамию малай...».

Сатирадаги ҳар бир лавҳа, ҳар бир деталь бош мақсадга — мукаммал хасис образининг яратилишига қаратилган. Масалан, сатирик шоирнинг гумашта томонидан «олиб келинган» етти кишининг ҳаммаси ҳам юқори синф вакиллари (бой, савдогар, дин арбоблари)дан эканлигини алоҳида қайд этишини олайлик. Бу тасодифий эмас, албатта. Гумашта бунда ҳам аниқ мақсадни кўзлайди, пишиқлик қиласди: бир томондан, маҳалла катталарига хушомад, лаганбардорлик бўлса, иккинчи томондан (гумашта учун энг аҳамиятли момент) уларнинг қорни тўқлиги ва демак, камроқ овқат ейишидир:

Етти одамни ўз маҳалласидин,
Қорни тўқ, янги тўн, басалласидин,
Деди шовқунламай имо уйидин,
Мундин, ундин, юқоридин, қуйидин.

Айтиладиган одамларнинг «янги тўн ва қорни тўқ» бўлишлиги гумашта учун танлаб чақиришда бош тарозу бўлган. Чунки унинг фикрича, тўйга кишилар фақат овқат фамидагина борадилар, шунинг учун ҳам у, «имо билан» чақирап экан, зарда ва ачиниш аралаш:

Дейдиган одамни тутиб номин
Деди: «Есин келиб ошу нонин!»

Персонажнинг ички дунёси, психологияси, конкретвязиятдаги кайфиятини ўқувчиларга етказишида бу каби мисраларнинг роли ниҳоятда катта. Улар қизғанчиқ, баҳил гумашта характерининг тадрижий равишда очила боришида ҳамда воқеанинг ечимини тайёрлашда зарурый моментлардир. Шоир сатирасининг фош этувчи кучи, кулгининг майна этиш руҳи ва кескинлиги бевосита «тўй» тасвирида олий нуқтага кўтарилади. Титраб-қақшаб қилинаётган бу маросимда меҳмонлар олдига қўйилган «нозу неъматлар»ни шоир гумаштанинг онги, дунёқарashi, психологиясига мос равишда шундай тасвирлайдики, гумаштанинг хасислиги билан олдинги мисраларда танишган ўқувчининг нафратли кулги қўзғатувчи бу тасвирга ишонмасдан иложи йўқ.

Солди алқисса эски дастурхон,
Қўйди сойил каби неча хил нон.
Бириси юмшоғу бири қотган,
Бири иссиқ, бири моғор отган.
Энг учida қўйилди тўққиз нон,
Кулчалар тошки, синдирур дандон.

Фош этувчи кулги мисрадан-мисрага, байтдан-байтга ўткирлашиб, тобора зақарли бўла боради, мисралар, ўхшатиш, таққос, муболағалар бир-бири билан мустаҳкам боғланиб, бири-иккинчисини тўлдириб, изоқлаб, чуқурлаштириб келади, лавҳалар эса мантиқан бири иккинчисини тақозо этади. Ҳеч шубҳа йўқки, гумашта, сатирик шоир оригинал ўхшатиш орқали тасвирланганидек, «уч кишига», «кўз ёши»дан ортиқ ош қўйишга қизғанганд. У, шубҳасиз, «бири юмшоқ, бири қотган, бири мөғор отган», «қаттиқлигидан тишни синдирадиган нонлар»ни «эски дастурхонга» (ҳа, худди «эски дастурхон»га!) қўйишдан нарига ўтмаган. Агар у нуқул юмшоқ, янги нонларни янги дастурхонга қалаштириб қўйса эди, китобхон ҳақли равишда ажабланар эди, чунки бутун асар давомида берилётган гоя, кузатилган мақсадга путур етган, гумашта образи эса батамом бузилган бўлар эди, шоир бундай «ғайри табиий» тасвир билан ўзига-ўзи зид чиқиб мантиқий изчилликни йўқотган бўлар эди. Худди шунинг учун ҳам сатирик шоирнинг юқоридаги байтлари ҳам, қуйидаги байтлари ҳам бирдан-бир ҳаётий ва ишонарлидир:

Сузди ош бир ликавда уч кишидин,
Кетти ошни кўруб ҳама ҳушидин.
Ош мисоли табақда кўз ёши,
Курмаги кўп, гурунчидин — тоши.
Бир оғиз эмди олдилар янги —
— Чиқди лаппак табақ уза чанги.

Муқимий гумаштанинг «ночор» қилаётган «тўйи»ни тасвирлар экан турли-туман бадиий тасвирий санъатлардан устоз санъаткор сифатида фойдаланади; ҳалқ ибораларини жуда ўринли, жой-жойида қўллайди, ўз навбатида, оригинал ўхшатишлар, янги-янги ибораларни бадиий тилга киритади. Уларнинг ҳаммасини шоир бош мақсадга — гумаштанинг баҳиллиги, риёкорлигини, ундаги ғайриинсоний ҳиссиятни фош этишга қаратилган.

Чиндан ҳам, Муқимийнинг сатирик сифатидаги ноёб талантни, айниқса, «Тўй» асарида ҳамма қирралари билан намоён бўлган. Шоирнинг бу асаридан яхлит-яхлит байт-парчаларнинг ҳалқ оғзига кўчиши, хасислик, зиқналик, очкўзликни реал ва лўнда тасвирловчи ва бундай белгилар устидан майна аралаш куловчи тайёр фразеологик бирикмалар, мақоллар сифат қўлланиши бежиз эмас, албатта.

Асар ниҳоятда изчил, воқеалар мантиқий уланган, композицион жиҳатдан пишиқ қурилган: унда бирор ортиқча тавсиф, вазифасиз деталь учратиш қийин. Шу мусабат билан сатираға яна мурожаат қиласылыш, ундаги кичик бир лавхани эслайлик. Ү бир томондан, ўта хаис образини түлдиради, иккинчи томондан, «тўй»га таклиф этилган «қорни тўқ» ларнинг ҳақиқий башараларини «бир зумгина» бўлса-да ёритиб, шунинг ўзидаёқ ўқувчиларда салбий баҳони шакллантира олади. Гумаштанинг уйига келган маҳалла катталари аҳволни кўриб «ҳушларидан кетадилар». Катта-катта еб ўрганганди бу кишилар ўз нафслари қонмагани учун «жаҳл билан фотиҳа» ўқийдилар, яъни ейишларига қараб иш тутадилар:

Фотиҳа жаҳл ила ўқиши туруб,
Келдилар тўйдин уйга оч кекуруб.

Уларнинг тўйга зўр умидлар билан келишларига асос бор эди: гумашта турлн йиғинларда, кўча-кўйларда, «жаҳл раста» олдида жар солиб, ўзининг қиласы катта тўйи ҳақида мақтанарди.

«Қирқ чорак гурунч олай дейман,
Яна тўйимга етмогай дейман,
Хотириж жамъ тўгрисидин унум,
Қамлигим бир сўқум билан ўтунум,
Бошласам тўй агар қозонни қуруб,
Ўтказинг ўзингиз бошида туруб!» —

деб, дуч келган «ёру ошнолари — бойлар, шайху хўжалар, муллалар»ни тўйга таклиф қилиб юради. Сатиралинг узвий қисмига айланган байтлар орқали Муқимий гумашта образининг бошқа бир характерли белгисини — табиий очкўзлик, зиқналик, хўжайинга лаганбардорлик ва риёкорлик ундаги мугомбирлик, мақтанчоқлик, фирибгарлик билан ҳам қўшилиб-чатишиб кетганинги фош этиб ташлайди. 200 олтин сўм етмасмикан, деб лоф уриб юрган гумашта «тўй»га ҳаммаси бўлиб (диққат қилинг: «тузгача ҳисоблаб!») «ўттиз уч танга» сарф қиласи. Шу тариқа бу мугомбир баҳил шахс Тошкентлик ўз хўжайинининг пул сарфламаслик, капитал — «сармоя»ни бутун сақлаш мазмунидаги тўй қилмаслик ҳақидаги қатъий кўрсатмасини ҳам бажаради ва айни замонда, хотинининг тўй ўтказиш ҳақидаги талабини ҳам ўринлатади...

Муқимийнинг «Тўй» сатираси ўтмиш сатирамизнинг гоявий-бадиј жиҳатдан энг етук намуналаридан бири бўлиб, унда ҳукмрон синфларнинг ижтимоий белгиси даражасига кўтарылган очкўзлик, зиқналиқ, хасислик, муғомбирлик ва риёкорлик каби ғайринсоний иллатлар кучли кулги остига олинади, аёвсиз фош этилади. Шоир яратган гумашта образи мукаммал сатирик образлардан бири бўлиб, жаҳон бадиј адабиётидаги Гобсек, Қори Ишкамба каби хасисларнинг классик образлари қаторидан ўрин олишга тўла ҳақлндири.

* * *

Муқимий ўзбек демократик адабиётидаги сатирик йўналишда алоҳида ўрин тутивчи қатор антиклерикал руҳдаги сатирик асарларнинг ҳам муаллифи сифатида машҳур. Мавжуд адолатсиз тузумни, унда ҳукмрон тартиб-қоидалар, ахлоқ нормаларини, эксплуататор синф вакиллари хасис, очкўз бойлар, золим амалдорлар, завод-фабрика эгалари ва савдогарлар аҳлини аёвсиз сатира остига олган демократ шоирнинг меҳнаткаш халқни шу золимлар билан биргаликда эзаётган, дин ва худо номидан ҳийла-найранг билан талаётган дин аҳларини танқид қилиши табиий ва мантиқийdir.

Муқимий бу текинхўр табақа вакилларини ўз ижодида фош этишга катта аҳамият берган, уларнинг нафратли, жирканч сатирик образларини яратган. Шоирнинг «Авлиё» радиофи машҳур сатирасини бунга яхши мисол сифатида келтириш мумкин. Бу сатирада шоир дин арбобини изчил танқид қилишга киришар экан, аввало, ундаги характерли бош хусусиятни — ўз манфаати йўлида диндан бир қурол ўрнида фойдаланишга уринишни фош этади. Сатирикнинг таъкидича, бу «авлиё» учун диннинг ўзи, таълимоти ва моҳияти аҳамиятли эмас — унга ислом дини ҳам, христиан дини ҳам барibir, чунки унда чин эътиқоднинг ўзи йўқ; дин (қайсиси бўлса ҳам) унинг ифлос ишларига йўл очиб берса бас, ниқоб бўлиб хизмат қиласа етарли. Мана шу чуқур фикрни шоир қўйидаги қисқа сатрларга лўндалигича сингдирлаб юбора олган:

Бошларида шапка гоҳи, гоҳи дастор авлиё
Кўлларида субҳаю бўйнида зунор авлиё

Мисраларга диққат қилинса катта ижтимоий мазмун ўринли кашф этилган сўз—образлар воситасида ниҳоятда бадиий ва реал тасвирланганлигини қайд этиш қийин эмас. Мисралардаги «шапка» ва «зуннор» сўzlари чин образлар даражасига кўтарилиган ва бу ўринда христиан динининг рамзи бўлиб келмоқда. «Дастор» (салла) ва «субҳа» (тасбех) лар ҳам худди шундай вазифани — мусулмон динига алоқадорликни кўрсатиш вазифасини ўтамоқда. Бу тушунчаларни байтда зид қўйилиши «авлиё» характеристидаги зиддиятни, аниқроғириёкорлик, мунофиқликни жуда жонли ифодалайди: у шундай «авлиё»ки, гоҳ мусулмон, гоҳ христиан бўла олади — вазиятга қараб иш тутаверади. Кейинги мисраларда сатирик шоир бу қалбаки дин арбобининг характеристидаги бошқа салбий белгиларни (маиший бузук, қўппол, тамагир, сурбет эканлигини) халқ ибораларидан ўринли фойдаланган ҳолда изчиллик билан оча боради:

«Тавба» денг, охир замона чиқса бу янглиғ чибок,
Хар (хотинга) ошиқу, ҳар (қизга) ҳуштор авлиё.
Доимо бепарда сўз ҳалқ ичра айтур беибо,
Бўлмагай деб қўрқаман ногоҳ саигсор авлиё.

«Авлиё»лик даъвосини қилиб юрган бу текинхўр фирибгарнинг «каромати» ҳам бўлиши керак, ахир. Муқимий киноя билан унда ҳид билиш, исдан тезда хабар топниш «каромати» борлигини кўрсатади:

Шул эрур кашфу кароматики бўйлаб субҳу шом,
Чиқса ҳар ердин бир ис—ҳозир хабардор авлиё.

Сатирик шоир дин арбобининг нафратли қиёфасини чизишка салбий ҳодисалар ва ярамас шахслар тўғрисида жонли сўзлашув нутқида қўлланиладиган «тақлидидин қор ёғмоқ», «расволикда шуҳрат топмоқ» каби образли ибораларини усталик билан жойлаб кетади, бу лар орқали объектнинг ўта салбийлиги тўғрисида ўқувчида мантиқий холосани шакллантиришга эришади.

Бу руҳдаги ўзининг иккинчи сатирасига Муқимиий «муттаҳамлик дафтари»ни объект қилиб олади. Аввало, объектни очиқдан-очиқ ҳақоратловчи «баччагар» сўзининг радиф сифатида танланшига аҳамият берайлик. Сатирик шоирнинг катта бадиий маҳорати худді шу сўзни дин арбобининг фаолияти ва характеристини, бутун «ўзлиги»ни энг яққол ифодаловчи деб, ўқувчини ишонтиришнинг ўзидаёқ равшан

кўринади. Ҳар байтда янгича ургу, янгича оҳанг билал, аммо ҳар бир ҳолатда кескин ҳақоратлаш мазмунида такрорланувчи бу радифда Муқимиининг ярамас шахс устидан чиқарган қатъий ҳукми, баҳоси баралла эшитилади. Шу радифнинг ўзиёқ поклик даъвосини қилувчи «табаррук» дин арбобини бирданига ва узил-кесил ишоклик балчиғига булғалайди. Шу тариқа шоирнинг обьектга нисбатан кучли ғазаб-нафроти, аниқ танқидий позицияси биринчи мисраданоқ юзага чиқиб, бутун сатирада изчил давом этиб, ўткирлашиб, чуқурлашиб беради:

Дангаса, номардлик майдонида сарпо ўлуг
Муттаҳамлик дафтарни ошида туғро баччағар,
Ис чиқарган ерда ҳозир, мисли шайтон ҳамтабақ,
Қанча сўксанд — шунча шилқим; турфа суллоҳ баччағар.

Риёкорлик, мунофиқлик, фирибгарлик реакцион дин арбобларининг социал ҳолатидан асрлар давомида шаклланган «хос» белгиларига айланган. Шоир ўз танқидини худди шу белгилар бўйича йўналтиради, «баччағар» характеристидаги, фаолиятидаги пуч моҳият ва ташкил ялтироқликни, бузуқ ният ва сиполикни, батамом омилик ва мулло сифат кўринишларни қатъий фош этиб ташлайди, унинг барча қилмишларни ҳийла-найрангдан иборат деб баҳолайди:

Ботини чўян қозон қайнар ичиди реву раиг,
Зоҳири бир сўфи сурат, қўлда асо баччағар.
Етқузиб тилсанг баиногаҳ қорнидии чиқмас алиф,
Салласин кўрган киши дер: «катта мулло», баччағар.

«Баччағар» сатирасида алоҳида диққатга сазовор бир байт мавжуд. Унда шоир реакцион руҳонийларнинг «ҳажга» боришдан содда кишиларни лақи́ллатиш мақсадида, ҳийла-найрангларни яширишга бир ниқоб ўрнида фойдаланишларига очиқ ишора этади. «Ҳаждан» келган бундай муттаҳамлар соддадил өммани талашга қаратилган фаолиятларини кескин равишда авж олдирар, янада мугомбирроқ, янада суллоҳроқ, «расвороқ» ҳаракат қиласидилар:

Илгари филжумла номусу ҳаёти бор эди,
Қайси кун ҳаждинки келди, — бўлди расво баччағар!

Муқимиий «Баччағар» сатирасида кўпчилик дин арбобларига хос бўлган салбий белги-сифатларни ўзида жамлаган муттаҳам шахснинг умумлашма сатирик об-

разини реалистик бўёқларда чизади, халқ оммасининг бу текинхўр гуруҳ вакилларига бўлган нафратини бадий нфода этади. Муқимийнинг антиклерикал мавзудаги сатиралари кенг меҳнаткашлар оммаси орасида катта шуқрат қозонди, кўп нусхаларда қўлдан-қўлга ўтди. Бу асарларга назаралар ёзилиши ҳам ана шундан дарак беради. Чимкентлик Султон Аҳмадхоннинг «Баччагар» радифли кучли сатираси шундай назаралардан биридир³.

Антиклерикал мотив Муқимиининг бутун ижодига сингиб кетган. Шоирнинг лирик ғазалларидағи айрим байтларда ҳам дин арబоблари, шайхлар ҳамда зоҳидларни, айрим диний ақида—тушунчаларни қаттиқ қораланишини кўрамиз. Бу мавзунинг ҳатто шахсий-расмий ёзишма — мактубларида ҳам ишланиши шоирнинг унга қанчалик катта аҳамият берганлигини кўрсатади. Бу жиҳатдан Муқимиининг Тошкентдан Нодим Намангонийга ёзган жавоб мактубидаги каттагина парча алоҳида диққатга сазовор.

Шахсий мактубларда замонанинг муҳим социал масалаларини кўтариш, жумладан, ижтимоий ҳаётдаги иллатларни фош этиш адабиётимиз учун янги ҳодиса эмас. Алишер Навоийнинг Сайд Ҳасан Ардашерга ёзган маснавий мактуби бунга яхши мисол бўла олади⁴. Нодим Намангонийга ёзилган шеърий мактубда Муқимиий диний маросимлардан бири—рўза тўғрисидаги мулоҳазаларига шу қадар катта ўрин ажратадики, баъзаи, мактуб ёзилишидан кузатилган асл мақсад шуларни баён этиш бўлса керак, деб ўйлашга асос бордек туюлади. Бунда биз фақат ҳажмнигина назарда тутмаётганимиз (ҳажман эса бу парча мактуб асосини ташкил этади) равшан.

Муқимиий рўза ҳақида фикр юрттар экан, ижобий момент сифатида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтмиш адабиётимизда (мас. Оғаҳий, Мунис ва б.) бўлганидек, шахслий кечинмалар, жузъий мисоллар орқали эмас, балки бу диний аиънага бўлган ўз муносабатини умумий мантиқий хulosалар тарзида баён қиласи — бу ҳол парчага ижтимоийлик характерини бахш этган.

³ Қаранг: ЎзФА Шарқшунослик институти, қўллесмалар фонди, инв. № 328. Яна: А. Абдуғафур ов, Ўзбек демократик адабиётида сатира, Тошкент, 1961, 204—206-бетлар.

⁴ Қаранг: А. Ҳайитмостов, Навоий лирикаси, Тошкент, 1961, 270—290-бетлар.

Шоир ўтқири таққослар, пишиқ иборалар, ўринли ўхшатишлар орқали рўзанинг умумга келтираётган зарарини ишонарли кўрсата олган. У рўза тутган кишиларнинг қийин аҳволларини, психологик кечирмаларини, ташқи қиёфасини ва хатти-ҳаракатларини, рўза ҳақидаги ўй-муносабатларини зўр маҳорат билан реалистик тасвирлайди: ...қийинчилкларга чидай олмаган баъзи кишилар рўзадан воз кечадилар; халқ иссиқ кунда рўза тутишдан кўра сув балосига дучор бўлишни афзал кўради; ташналиқдан халқнинг «бағри кабоб», уларнинг «тиллари осилган», гаранг-лоҳас бўлиб қолган: агарда шундай иссиқда кетма-кет икки йил рўза келса (тутилса) кўп шаҳарларнинг «хароб» бўлиши табиий. Шундай жиддий ижтимоий мазмун шоир томонидан юксак бадиийлик билан ниҳоятда жонли ва ҳаётий ифодаланади:

..Йўқ куюшдин бошқа гап, дўзах киби,
Тошкандлар тобишидин офтоб.
Рўза келгунча шул иссиғ кунда халқ
«Келса, — дерлар, — розимиз оби азоб!»
Тиллари чиққан, халойиқ ташна лаб,
Жумлаи мўмин юрак-бағри кабоб.
Рўза тутган бандалар дер «Альяташ!»
Ичмагай ифторда гайри аз яхоб.
Баъзилар иссиғда бетоқат бўлуб,
Рўзадин андак қилишиб интихоб!
«Ассалом!» ўрнига мардум кўрушиб
Бир-бисрисига дегайлар: «Оҳ! Об!»
Хушлари келмас берурға, кўз юмуғ,
Гар ато қиласа савол ўғил жавоб.
Халқ ақлидин адашгани гаранг,
Бошларида хуш йўқ, — магзи хубоб!
Икки йил иссиғ ҳавода келсалар.
Қўрқаман кўп шаҳар бўлгай деб хароб.

Мактубдаги шу парча мисолида Муқимиининг умуман дин ва диний ақида, расм-русумларга муносабатини аниқлаш мумкин. Шоир, бир томондан, диний маросимнинг «азоб» эканлигини кўриб, омма турмушини издан чиқараётганини танқидий позициядан реалистик акс эттиrsa, иккинчи томондан, рўзанинг реал салбий мөҳиятидан умумий атеистик хulosса чиқара олмайди, унинг салбий-реакцион оқибатини кўрсатгани ҳолда рад этиш даражасига кўтарила олмайди. Ҳатто рўзани кучли танқид қилган шоирнинг ўзи уидан воз кеча олмайди:

Рўзаман, диққатчилик, кам ҳафсалам,
Қолмадп қўлга қалам олмоққа тоб —
деб ёзади шу мактубида.

Бу факт Мұқимий ижодида динни, диний маросимларни, реакцион дин арбобларини танқид этиш маълум чекланғанликдан ҳам холи әмаслиги, шоирнинг ўзи изчил атеист бўла олмаганигини кўрсатиш жиҳатидан ҳам характерлидир. Ўша давр пъжтимоий онги даражаси билан изоҳланувчи бу маҳдудлик шоир ижодида антиклерикал теманинг чуқур ва реалистик ишланишига, «баччағар», «авлиё»ларнинг аёвсиз фош этилишига ва шу тариқа ҳалқда уларга нисбатан нафратли муносабатни шакллантиришга ҳалал етказа олмади.

ЮМОРИСТИК ҚУЛГИ

XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошидаги ўзбек демократик адабиётида сатирик йўналиш билан бир қаторда юморнинг ривожланишида ҳам Мұқимийнинг хизматлари катта бўлди. Биз бунда юмористик асарларнинг шоир меросида салмоқли ўрин эгаллашини, улар таъсирида бу даврнинг бошқа пъжодкорлари томонидан ҳам қатор юмористик асарлар яратилганлигини назарда турамиз.

Мұқимий бу соҳада ҳам классик адабиётимизнинг илғор анъаналарини давом эттириди, ривожлантириди, ҳалқ оғзаки ижодидан кўп ва баракали таъсирланди. Шоир юморларида, Алишер Навоий, айниқса, Махмур ижодининг излари яққол кўринади.

Мұқимийнинг юмористик асарларига хос бўлган умум хусусият сифатида шуни айтиш мумкинки, уларнинг моҳиятини қўпол қаҳқаҳа, бегараз хушчақчақлик, мазмунсиз мутобиба, кулги учун кулги белгиламайди. Аксинча, шоир қўлида кулги кўп ўринларда ҳаётдаги қолоқ, чириган, тараққиётга тўсиқ бўлиб турган ғовлар, шахслар онги ва табиатидаги оқизлик, нуқсонларни, хунук феъл-атвор ва ўринсиз хатти-ҳаракатларни қоралаш, танбеҳ бериш, «туртиб ўтиш» вазифаларини ҳам ўтайди, иллат ва камчиликларни енгил танқид этишда бир қурол вазифасини ҳам бажаради. Албатта, кулгининг обьекти ва йўналиши, даражаси ва мақсади шоирнинг сатирик асарларидаги фош этувчи кулгидан жиддий фарқ қиласди. Юмористик асарларда кулги ўз характери зътибори билан кескин майна этувчи, шарманда қилувчи, обьектни узил-кесил рад этувчи заҳарханда әмас, автор «мени» ҳам қатъий терс позицияда турмайди—

унда илиқлик ва самимийлик, мулойимлик ва очиқ кўнгиллик сезилиб туради, баъзан эса яхши ниyat билан ачиниш ва ташвиш тортиш, шунингдек, ҳамдардлик оханглари эшитилади.

Шоирнинг «Девонамен» ва «Кўсамен» радифли цикл юморларида бу хусусиятлар, айниқса, равshan кўриниб, уларда айрим жисмоний камчиликлардан холи бўлмаган шахслар устидан кулги қўзгатилади. Аммо, бу кулги узиб оловчи, заҳар аралаш шармисор этувчи кулги эмас—халқ оғзаки ижоди, жумладан, латифалари, ҳазил-мутоибалари руҳи уфуриб турган бу кулгига самимийлик, мулойимлик, беғараз қувноқлик олд ўринда туради. Бунда муаллифнинг хайриҳоҳ позициясининг роли жуда катта.

Бу цикл асарларнинг барчаси юморга объект қилиб олинган шахсларнинг монологи тарзида ёзилган. Уларнинг юмористик моҳияти, қўзгатилаётган кулгининг беғаразли характеристери бу монологларнинг сатирада кучли эфект берувчи салбий обьектни «ўзини гапиртириш», «ўз-ўзини фош эттириш» приёмидан тубдан фарқ этишида ҳам кўринади. Буларда ундай фош этиш йўқ — чунки юморист шонир обьектларни салбий деб ҳисобламайди. Худди шундан бу юморларда кулги меъёри сақланади, характеристи мулойимлашади, ҳатто баъзан авторнинг хайриҳоҳлиги устунлик ҳам қиласи:

Камбагал бир тўда гўдак ичра қолган кўсамен,
Рост хоҳиким гумон қил, хоҳ ёлгои кўсамен,
Уйга овқоти учун ун-мун олиб бермоқчиман,
Бир тийин йўқ, дўстлар, ёнимда ҳайрон кўсамен,
— ...Эрта бирлан бор жанозамга, хабар даркор эмас,
Ош емай ётган кечам, албатта, ўлон кўсамен.
Хайр мардумда, Муқимий, кам қолиб тушмай чақа,
Най чалурга қолмогон бир зарра дармон кўсамен.

Муқимийнинг бу каби юморларида оддий кишиларнинг қийин иқтисодий аҳволига ачиниш, кўпгина талантли кишиларни маънавий майнib этган, қайгули ҳаётга маҳкум қилган ўша жамият, ўша тузумдан норозилик мотивлари ҳам эшитилиб туради. Муқимий бир неча ўнлаб юмористик асарлар ёзган. Уларнинг мавзулари ранг-баранг бўлганидек, муаллифнинг кузатган мақсаднияти ҳам турлича, шунга кўра, улардаги кулги меъёри ва даражаси, характеристи ва йўналиши ҳам бир хил эмас. Бу ҳолат уларнинг ҳар бирини маҳсус таҳлил этиш, жум-

ладан, кулгининг юзага чиқиши механизмини конкрет ку-
затиш заруратини туғдиради. Бундай имкониятга эга
эмаслигимиздан, шартли равишда айрим гурухларга бў-
либ, баъзи мулоҳазаларимизни баён этиш билангина
чекланамиз.

Россия составига ўтганидан кейин ўлканинг барча
йирик шаҳарларида маданий ҳаёт бирмунча жонланиб
кетди, ободончиликка, нисбатан аҳамият берила бош-
ланди: янги типдаги иморатлар қурилди, тош йўллар
ётқизилди, «янги шаҳар»лар пайдо бўла бошлади. Рус
ҳаёти, фани ва маданиятининг айрим ютуқлари ўлкага
кенгроқ тарқала бошлаган бир вақтда феодал қолоқ-
лиги, патриархал тузум маразлари даврнинг илфор
шоирлари кўзларига яққол ташлана борди, асрлар да-
вомида кўнишиб келинган ҳолатлар эндиликда, айниқса,
эриш кўрина бошлади.

Муқимийнинг бир қатор юморлари ана шундай янги-
ча муносабатнинг самараси сифатида юзага келган.
«Дар таърифи печ», «Араванг», «Ароба қурсин», «Лой»
кабилар шулар жумласидан. Бу асарлар кириб келаёт-
ган янгиликларни халқ ҳаётига тезроқ татбиқ этилиши-
да маълум роль ўйнаган, дейиш мумкин. Масалан, шоир
кулги воситалари орқали рус печининг сандалдан аф-
заллигини, қулайлигини кўрсатади, шалдироқ, ноқулай
аравани халқ латифалари руҳида танқид этиб, яна кул-
ги билан «пружинали коляска»ни тарғиб қиласди ва ҳо-
казо. «Ароба қурсин» радифли юмордаги мана бу байт
шарқ бозорига хос бўлган кичик бир ҳаётий лавҳани
жуда реал чизиб беради:

Қишлоқ бетамизи бир игна олса қўшиб
Таңг растависига киргай аттор, ароба қурсин!

«Безгак», «Ёмон безгак» юморларида эса шоирнинг
ўзи кўп маротаба оғриган касалликдан шикоят ўзига
хос бир услубда жуда жонли ифодаланади. Бу асарлар-
да аниқ эшитилиб турган ширин, қувноқ кулги шикоят
мотивларига батамом бошқача руҳ беради, яъни асли
ғамгин ва «жиждий» бўлган мавзу соғ юмористик план-
да таҳлил этилади, енгил ва ҳатто шўх ўқиласди:

Илоҳиким юзи бўлгай қозондин ҳам қаро безгак!
Тутиб рангимни қилди оздуруб чун каҳрабо безгак...
Табу тобидин ўртаб жисм куйди, сабру тоқат ҳам,
Бу қандоқ дард, ёраб! Ман турай Хўқонда ё безгак!

Йўғон бир одами семизни тутсингим, бир оз осуи,
Тутар ман нотавонни тутмаса ҳам гўйиёб безгак...

Юморларнинг биридан ўрин олган қўйидаги байт диқ-
қатга сазовор. Унда Москвадан таътил вақтида меҳмон
бўлиб келган жияни Рўзимуҳаммаднинг ҳам безгакка
мубтало бўлиб қолганлиги ҳақида шоир сўз юритади.
Бу тарихий маълумот ҳам, асарнинг бошқа байтлари
каби, ўқувчиларга юмористик руҳда етказилади:

Қасалларни ичида, дўстлар, беҳад ёмон безгак,
Ёмон ҳам бўлмагай деб, бир балойи погаҳон безгак!
...Демаским: — «Тутмайин, — қавму қариндошини
кўрмоққа—
Келибдур мунда Масковдин неча кун меҳмон» безгак.

«Дар мазаммати исқабтопар» юморида эса Муқимий
безгак ва турли хил бошқа маразларни тарқатувчи ҳа-
шарот—чивиндан нолиб, кулади. «Ҳалққа озор» берувчи,
минг-минглаб кишиларнинг ҳаётини хавф остида қол-
дирган касалликлар сабабчиси, «қўлларида найза билан
қонингни ичувчи», «баччагар исқабтопар» шоир томони-
дан кулгига остига олинади.

Муқимий юморлари ичида от мавзууда бир неча
асарлар бор. Аввало, шуни айтайликки, бу мавзу биз-
нинг адабиётимиз учун маълум маънода «традицион»-
дир. Гап шундаки, машҳур сатирик Махмур худди шу
қирчангї, ночор от мавзууда ажойиб бир юмор яратган.
Ҳар икки шоир асарлари қўёсий текширилса, юморнинг
объекти, баён қилиш усуллари ва тартибидаги изчиллик,
кулгининг ўткирлиги ва мисрама-мисра тадрижий ку-
чайтирилишидаги умумийлик, ҳатто кўнгина ўхшатиш,
муболага, қочирим ва кесатиқларнинг монаидлигига ва
бошқа кўп жиҳатлардан катта яқинлик мавжудлигини
қайд этиш мумкин.

Махмур асарида бўлганидек, Муқимиининг «Ўлсун
бу от» мухаммасида, «Бу отингиз», «Ҳожи тилгрофчининг
оти тўғрисида» ва бошқа юморларида ҳалқимизнинг ўт-
кир зеҳни, соғ қулгиси, қувноқ табиатининг меваси бўл-
миш асқия, пайров, лоф, муболагаларнинг таъсири жуда
катта.

Биз юқорида кўриб ўтган юморлардан фарқли ўла-
роқ, бу тур юморларда бирор «жиддий» мақсад-даъво-
нинг қўйинлишини кўрмаймиз. Шунинг учун ҳам бу
юморлардан катта ижтимоний мазмунни қидириш ўрин-
сиз. Ҳалқнинг қулгилн эртаклари, лофлари руҳида ёзил-

гаи бу асарларда гипербода ва литота, қочирим ва киноя, кесатиқ ва турли сўз ўйинлари воситасида ўқувчиларда «лоқайд» объект, «беозор» мавзу юзасидан соғ хушчақчақ кулги қўзғатишигина асосий мақсад бўлган:

Урма бир қамчи, олур минг интиқом, ўлсун бу от!
Тишлабу телиб ўтар умри мудом, ўлсун бу от!
Ҳеч кишига бўлмагай, чун ваҳший, ром, ўлсун бу от!
Таб йўқ афтини кўрмоққа, ҳаром ўлсун бу от!
Ҳайфдур ҳаргиз суторманг—ташнаком ўлсун бу от!

Турфа қирчанғио, санғи, хираю бадкордур,
Фикри-зикри доимо андешаси озордур,
Шовқинидин эл миниб чиқсанг, агар, безордур.
Гар сафар қилсанг бирор ҳамроҳликка зордур.
Шатта солғай йўлда ким қилса салом, ўлсун бу от!

Биринчи мисраларданоқ, ҳақоратдан, инкордан кўра эрка зарда, таъна ва ҳатто қандайдир илиқлик, яқинлик оҳанглари ҳукмрон бўлган радифданоқ бирданига яққол юзага чиққан шу шўх, қувноқ ва айтиш керакки, бегараз, самимий кулги бутун мухаммас бандларида изчил давом этади, ранг-баранг жилоланади. турли даражада товланиб, ўқувчиларга тўла-тўқис кўчади, кулдиради, яхши кайфият бахши этади. Муқимийнинг зўр юморист сифатидаги юксак бадний маҳорати, айниқса, шу мухаммасда равshan намоён бўлган. Кулгининг хушчақчақ руҳ олишида, бутун асар давомида ҳукмрон ўринга чиқишида фавқулодда таққос, кутилмаган ечимларнинг, «файри табиий» ҳукм ва мантиққа «зид» хуносаларнинг, ҳалқ матал-мақолларидан, фразеологик биримларидан усталик билан ўринли фойдаланишининг, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига, инсонлар ва улар фаолиятига тегишли хислат ва белгилар, одат ва характерларнинг отга тақалишининг ва бошқа шу каби бадний санъатларнинг хизмати ниҳоятда катта.

Муқимий юморлари ҳам, унинг лирикаси ва сатирик асарлари каби, катта муваффақият қозонган, ҳалқ орасида тез тарқалган, ўқувчилар томонидан яхши кутиб олинган. Шоирнинг юмористик асарларига қатор тахмислар боғланиши, назиралар битилиши, умуман, Муқимий ижоди таъсирида XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида адабиётимизда юморнинг жонланиб кетиши фикримизга ишончли далил бўла олади.

МУҚИМИЙ «САЁҲАТНОМАЛАР»И

Муҳаммад Аминхўжа Муқимиининг ўзбек демократик адабиётининг ҳам ғоявий-мазмунан, ҳам бадиий шаклан бойиб, риовжланишига қўша олган катта ҳиссалари тўғрисида сўз борганида, уннинг машҳур «Саёҳатномалар»ига алоҳида тўхташ зарурати туғилади. Гап шундаки, бу циклга кирувчи асарлар туб моҳияти билан кўп асрлик адабиётимиз тарихида янгн ва айтиш керакки, жиддий ижобий ҳодпса бўлди.

Ҳажм жиҳатидан ҳам шоирининг адабий меросида гина эмас, ҳатто бутун демократик адабиётда энг йирик асар бўлган «Саёҳатномалар» ўзининг қатор хусусиятлари билан текширувчи диққатини тортади. Биринчи хусусияти шундаки, ўтмишда мавжуд бўлган мемуар—тарихий характердаги прозаик саёҳатномалардан фарқли ўлароқ, Муқимий «Саёҳатномалар»и тўла маънодаги поэтик асардир. Тўғри бу асарда ҳам тарихий—мемуарлик моментлар (уларда маълум, белгиланган маршрут бўйича сафар хотиралари сўзланади, реал қишлоқларда реал тарихий шахслар билан учрашувлар, кўрган-кечирганларини ўз номидан баён этиш, айрим этнографик белгилар, бозор, дўконлар, шунингдек, табиат манзаралари тасвири ва ҳ.) мавжуд, аслида асар шулар асосига қурилади, бошқача айтганда, уннинг саёҳатномалик характеристери тўла-тўқис сақланади. Аммо, шуниси муҳимки, Муқимий «Саёҳатномалар»и муаллифнинг тор-шахсий кечинмалари мажмуаси бўлиб қолмаган, объективизм позициясидан қилинган қуруқ баён ёки сафар ҳисоботи эмас. Аксинча реал борлиқ ижтимоий ҳаётнинг қатор муҳим проблемаларини кўтарувчи тўла қонлик бадиий асардир.

«Саёҳатномалар»нинг мукаммал бадиий асар эканлиги билан изоҳланувчи хусусияти шундаки, гарчи улар тўрт қисмдан («Қўқондан Шоҳнмардонгача», «Қўқондан Фаргонагача», икки қисмлик «Қўқондан Исфарагача») иборат бўлса-да, бир композицион яхлитликни ташкил этади. Бу қисмлар умумий қатъийлашган ички «қонуниятлари»га эга, уларни умумий ягона вазн, ягона шеърий тузилиш, ягона қофияланиш системаси бирлаштириб туради. Енгил, ўйноқи вазнда ёзилган бу асар тўрт мисрали бандлардан ташкил топган. Ҳар бир қисм бандлари умумий қофия билан ўзаро бирлашади, радиф

эса фақат бир қисм учун эмас, балки бутун асар — тўрттала қисм учун ягонадир.

Бутун асар давомида бандларни ўзаро бирлаштириб, улаб, уларга яхлитлик руҳини бахш этишда вазннинг умумийлиги қаторида ана шу ягона радифнинг ҳам хизмати каттадир. «Саёҳатномалар»нинг тўрттала қисми учун умумий хусусиятлардан яна бири бандларнинг ички тузилишидаги ягона принципда кўринади. Улардаги 61 банднинг ҳаммаси бир хил ички қофияланиш системасида битилган: банддаги биринчи уч мисра ўзаро қофияланади, тўртинчи бандни якунловчи мисра эса бу мисраларга шаклан қофиявий боғланмайди. Кейинги бандларда ҳам айнан шу такрорланади, аммо улардаги тўртинчи мисра эндиликда биринчи банддаги тўртинчи мисра билан қофиядош бўлиб келади, ҳамма бандларда бир радиф такрорланиб келади. Демак, ҳар бир банд ўзи мустақил, айни замонда иккинчи ва шу қисмдаги бошқа бандлар билан қолипловчи тўртинчи мисра орқали, ягона радиф ва қофия воситасида мустаҳкам боғланган. Ҳар бир банднинг ички қофияланиш системасини ва бошқа бандлар билан боғланиш усулини қўйидаги шаклда ифодалаш мумкин: а, а, а, с; б, б, б, с; в, в, в, с ва ҳоказо. Бундан ташқари, айрим бандлар бандлараро умумий ягона радиф («экан»)дан ташқари ўз уч мисраида радиф билан ҳам келади. Масалан:

Шаҳр ичра тоқат тоқ ўлуб,
Дубора йўллар қоқ ўлуб,
Кўз Исфара муштоқ ўлуб,
Аввал чиқиш Яйфон экан.

Кўриниб турибдики, «бўлуб» маъносидаги «ўлуб» сўзи бу бандда радифdir. Яна шуни айтиш керакки, «Саёҳатномалар»нинг тўрттала қисми учун ягона радиф қўлланган бўлса-да, улардаги бандлараро қофияланиш турличадир: «Қўқондан Шоҳимардонгача» қисмида «кажрафтор», «даркор», «бозор» каби, «Қўқондан Фарғонагача» қисмида «чанг», «жанг», «занг» каби, «Қўқондан Исфарагача» қисмининг бир бўлагида яна «даркор», «таррор», «бозор» ва иккинчи бўлагида «Яйфон», «декон», «хушхон» каби оҳанaldoш сўзлар қисмлар учун умумий қофия вазифасида келган.

«Саёҳатномалар» бандларидаги ички қофияланиш системаси ҳақида гап борганида шуни айтиш керакки, бундай система адабиётимиз тажрибаси учун батамом

янгилик эмас. Ҳатто қадимий адабий ёдгорликларни ҳам жамлаган «Девону луфатит турк»даги айрим шеърий парчаларда (Мас.: «Баҳор тавсифи», қиши ва ёз муно-заралари, шунингдек, бўри ови ҳақидаги) тўртликлар-нинг худди шундай қофияланишини кўрамиз. Аҳмад Яс-савийга нисбат берилувчи «Хикмат»ларда ҳам шуни ку-затиш мумкин. Унинг ҳам кўпгина бандлари а, а, а, с; в, в, в, с; б, б, б, с шаклида қофияланади, барча тўрт-лик бандлар учун умумий қофия ва ягона радиф қўл-ланилади.

Муқимиининг ўзининг қатор мураббаларида ҳам худди шу аҳволни кўрамиз. «Ёдимга туштн», «Эй чеҳ-раси тобоним», «Кўрдим юзингни» каби мураббалари худди «Саёҳатномалар» бандлари каби қофияланган ва ҳоказо. Демак, бандларнинг ички қофияланиши ва банд-лараро ягона қофия, радиф билан boglaniшлик жиҳа-тидангина «Саёҳатномалар»ни адабиётимизда янги жаңр сифатида баҳолаш тўғри эмас.

Муқимиининг «Саёҳатномалар» циклидаги барча қисмларнинг қатъий равишда бир вазн, бир услубда, бир йўналиш, бир руҳда, бир радиф ва бандларнинг ички ту-зилишидаги бир қофияланиш системасида яратилишидан шундай холосага келиш мумкинки, шоир уларга муста-қил асарлар деб эмас, балки бир яхлит, ягона асарнинг турли бўлаклари сифатида қараган. Бу момент яна шу жиҳатдан ҳам алоҳида эътиборга лойиқки, «Саёҳатно-малар»ни ташкил этувчи қисмлар, бизнингча, бир дафъ-ада ёзилган эмас, аксинча турли йилларда яратилган.

Муқимиининг турли сабабларга кўра Фарғона води-си бўйлаб кўплаб сафарлар уюштиргани маълум. Ана шу сафарлар давомида шоир ҳалқ турмуши билан, дех-қонлар меҳнати ва моддий аҳволи билан, қишлоқлар ҳаёти билан бевосита тўқнашади, яқиндан танишади, шахслар билан суҳбатлар қуради. «Саёҳатномалар» ана шу ҳаётни ўрганишнинг бадиий ифодасидир. Турли даврларда, турли кайфият ва зарурат билан ўтказилган бу сафарлар шоирда турлича таассурот қолдиради, тур-лича ёндошувларни шакллантиради. Шунга қарамасдан унинг бутун қисмлари мобайнода гоявий-бадиий бирлик ва яхлитликнинг сақланиши шоирнинг катта маҳоратини кўрсатади. «Саёҳатномалар»нинг ёзилган йиллари тўғ-риснда аниқ маълумотлар манбаларда учрамайди.

Айрим тадқиқотчилар 1892 йилдан олдин ёзилган,

деб ҳисоблайдилар ва далил сифатида Ҳиндистонга Фурқат билан ҳамроҳликда сафар қилган шоир Тажаллйнинг Муқимий «Саёҳатномалари»га назира ёзганлигини айтадилар. Муқимий «Саёҳатномалар»ининг айрим қисмлари чиндан ҳам 1892 йилдан олдин ёзилган бўлиши мумкин. Аммо бунда шуни унумаслик керакки, Тажаллийнинг Фурқат билан Ҳиндистон сафарига отланиш йили (1892) худди шу йилда ўз назирасини ёзганлигини асло билдирамайди. У ўз «Саёҳатнома»ларини кейинчалик ёзган бўлиши ҳам мумкин. Муқимийнинг Тошкентга бир неча сафар қилганлиги маълум. Аммо, шоир ижодида бу сафар таассуротлари маҳсус асарларда ўз ифодасини топмаган. Бизнингча, маҳсус «Саёҳатномалар» яратиш гояси Муқимида 90 йилларнинг иккичи ярмида — Фарғона водиси бўйлаб (шоирнинг соғлиғи тақозосига кўра) интенсив саёҳатлари даврида шаклланган. Шоир таржимаи ҳолидан маълумки, табибларнинг кўрсатмасига биноан бу даврда Муқимий деярлик ҳар йили турли маршрутлар бўйича саёҳатларга чиқсан. Шоирнинг ўзи ҳам бу ҳақда айрим маълумотлар ёзиб қолдирган.

«...Беш-олти ой бўладурким, бетоб эрдим, — деб ёзади Муқимий 1899 йил июнда жиянига ёзган мактубида. ...Хануз ҳам дуруст беморлиғ асари баданлардин тоза дафъ бўлғони йўқ. Ҳукамолар саёҳат қилмоққа буюруб эрдилар. «Тоглар ичинда, хушҳаво сойларда бир андак вақт юрсангиз!» деганларини боисидин Исфара деган тог ичинда бир мавзу бўлур эрди — ниҳоятда хушфайз, баҳаво жой... Ул музофотларда беш-олти ҳафта туриб келдим».

Икки қисмдан иборат бўлган Исфара саёҳати таассуротларидан бири худди шу «беш-олти ҳафта» давомида ёзилган бўлиши эҳтимол. Шу муносабат билан айтиш керакки, Исфара саёҳати натижасида Муқимий икки «Саёҳатнома» ёзган. Ўлар икки мустақил саёҳатнинг таассуротлари сифатида майдонга келган. Чунки, биринчидан, бандлар турлича қофияланади ва иккинчидан, саёҳат тартиби турлича маршрут бўйича баён этилади ва учинчидан, айрим қишлоқлар (мас. Яйфон) ҳақида ҳар икки бўлакда мустақил, фарқли бандлар битилади.

Айтилганлардан хулоса ясаб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: Муқимийнинг «Саёҳатномалар»и турли са-

фарларнинг меваси сифатида турли йилларда ёзилган; шунга қарамасдан бир бутун цикл яратиш мақсадида шоир уларни бир услуб, бир руҳ, бир вазн, бир радиф, бандларнинг бир хил ички тузилиши ва бандлараро қофияланишида ёзганки, оқибат натижада турли қисмлардан ташкил топган ягона, композицион яхлит бир асар — «Саёҳатномалар» майдонга келган.

Муқимийнинг «Саёҳатномалар»и демократик адабиётда катта ижобий ҳодиса бўлди, уни ғоявий ва шаклан бойитди, бадиий ижоднинг янги мавзу, янги қирраларини очди. Бошқа ижодкорлар томонидан бир қатор саёҳатномаларнинг яратилишига, назираларнинг ёзилишига турткি бўлди. Аммо бу ўринда биз шу муносабат билан баъзи илмий ишларда чалкаш, хато фикрлар ҳам баён этилганини кўрсатиб ўтмоқчимиз. Бундай фикрлар, аввало, Муқимийнинг шу асари руҳида, вазнида, бандларнинг тузилиши тартибида, ўша радифда, қисқаси, ҳар томонлама монанд шаклда ёзилган ҳар бир асарни «Саёҳатномалар» сифатида баҳоланишида кўринади. Аслида эса бундай эмас. Масалан, Завқий меросида «Сув жанжали» ва «Обид мингбоши ҳақида ҳажв» номлари билан эълон этилган икки асар мавжуд. Бу асарлар бутун формал-бадиий томонлари билан Муқимиий «Саёҳатномалар»ини эслатади. Ҳар икки асарнинг бошланғич бандлари билан танишишнинг ўзиёқ бу даъвони исботлайди:

Олдим қўлимга хомани,
Ездим ажойиб момани,
Тингланг қизиқ ҳаигомани,
Жанжоли то алдол экан⁵.

Ҳайҳот, эшитсангиз улус,
Обид деган Қайнар бўлус,
Мансаб эссиз, ҳайфи жулус,
Бадлафзу бадгуфтор экан!⁶

Ана шу формал-бадиий ўхшашлик асосида баъзи тадқиқотчилар шу асарларни назарда тутиб Завқий ҳам «Саёҳатномалар» ёзган, деб нотўғри хulosаларга келгандар. Аслида, Завқийнинг бу асарлари бош мавзуи,

⁵ Завқий, Таиланган асарлар, Тошкент, ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1958, 19-бет.

⁶ Уша асар, 48-бет.

кўтарган масалалари, ғоявий йўналишига кўра саёҳат таассуротларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Булар воқе-банд соф сатирик асарлардир (Бу фактдан чиқадиган қўшимча холоса шуки, Муқимий асарининг етук бади-й-формал томонлари бошқа ижодкорларга, жумладан, Завқий ижодига умуман ижобий таъсир кўрсатган. «Саёҳатномалар» шакли, масалан, Завқий томонидан сатирик руҳдаги асарлар учун ҳам мувофиқ, деб топилган. Чиндан ҳам, юқорида, биринчи бандлари келтирилган сатиralар Завқий ижодидагина эмас, балки бутун демократик адабиётдаги сатирик йўналишда ҳам кучли, таъсирчан, қатъий фош этиш руҳига эга асарлардир). Ба, аксинча, бу давр ўзбек адабиётида яратилган барча «Саёҳатномалар» Муқимий «Саёҳатномалар»и вазни, шакли, руҳида яратилди, деган фикр ҳам жиддий таҳ-рирга муҳтож. Гап шундаки, бу даврда мазмунан сафар-саёҳат таассуротларининг баёнидан иборат бўлган бир қатор шеърий асарлар Муқимий асарига ташки жиҳатдан ҳеч бир ўхшамайдиган шаклларда, масалан, поэзиямизнинг мухаммас ва ғазал шаклларида яратилди. Муқимийнинг яқин дўсти, ҳаммаслаги Нодим ижодида худди шуларни кўрамиз. Нодимнинг «галати» радибли катта мухаммасининг ўн икки бандининг ҳар бирида Боборусто, Косон, Тўрақўрғон, Маргилон, Сим (Фарғона), Андижон ва бошқа жойларга қилинган саёҳат таассуротлари баён этилади, табиат манзаралари ҷизилади, кишилари, яшаш шароитлари тасвирланади. Қўйида ана шу мухаммасдан бир бандини мисол тариқасида келтирамиз:

Тўрақўрғон ери хушнашъя эрур, пасту баланд,
Аксари ҳалқи закитаъб, муҳаббат пайванд,
Сой ила «Мадрасаи қози» ҳалойиққа писанд,
Чарх бўйнига шипи арки солур эрди каманд,
Чўғз вайронаси энди — ҳама вайрон ғалати⁷.

Нодимнинг Наманган-Кўқон-Самарқанд-Тошкент-Кўқон-Наманганга 1899 йилда қилган саёҳати натижасида ёзилган «Саёҳатнома»си эса⁸ ҳажман катта бўлсада (60 байтдан ортиқ) ғазал формасидадир.

Демак, қисқаси, бу даврда Муқимий «саёҳатнома»лари руҳида (ўша вазн, радиф, бандлар тузилиши ва қо-

⁷ Нодим Намангоний, Таинланган шеърлар, Тошкент, УзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1964, 17-бет.

⁸ Қаранг: Ўша асар, 81—86-бетлар.

фияланиши ва б.) ёзилган барча асарлар мазмунан саё-
хатнома бўлмаганидек, барча саёҳатномалар ҳам, ўз нав-
батида, Муқимий асарлари шаклида яратилган эмас.
Биз юқорида келтирган мисоллар бунга яққол далилдир.

* * *

Муқимий «Саёҳатномалар»и, айтилганидек, сафар
таассуротларини бефарқ, қуруқ, ҳиссиз баён этувчи
ҳисобот эмас. У даврнинг илгор фарзандининг она юрт
ҳақидаги, унинг кишилари, табиати тўғрисидаги йирик
шеърий полотнодир; у меҳнатсевар халқимизнинг яшаш
шароитларини, оғир иқтисодий аҳволини, тузумдаги
ҳукмрон адолатсизликни, юқори синфларнинг зўравон-
лик фаолиятларини, қишлоқларнинг аянчли, вайрон
ҳолатини реалистик бўёқларда бадиий тасвирловчи ада-
бий ҳужжатлардир. «Саёҳатномалар»ни яхлитлигича
лиро-эпик турга киритиш бирёқламалик бўлганидек,
уни бутунисича сатирик асар, деб ҳам бўлмайди. Унда
мураккаб даврнинг, зиддиятли ҳаёт ва тарихий ша-
роитнинг аниқ излари бор.

Саёҳат таассуротлари баёни шакли шоирга турли
ижтимоий мавзуларни «кутилмаган» ўринларда ранг-
баранг қирраларда кўтариш, қатор муҳим масалалар
юзасидан ўз ҳис-туйғуларини, баҳо-ёндашувларини
«йўл-йўлакай» ифодалайвериш, лирик тасвир ортидан
«силлиққина» сатирик таҳлилни «улаб» юбориш, этно-
график-жуғрофий белгилар баёнидан умумлашма соци-
ал хуносаларга «бирданига» ўтиш, ўлка табиатини
мадҳ этишни зулмкор амалдорларни фош этиш билан
қўшиб юбориш, ва энг муҳими, буларнинг ҳаммасини
бир композицион яхлитликка келтириш имкониятларини
берган.

«Саёҳатномалар»да ягона сюжет линияси йўқ, ун-
да тўқима бадиий образ-персонажлар учрамайди. Бу —
жанрнинг хусусиятлари билан тўла изоҳланарли ҳол.
Бутун асар давомида изчил ҳаракат этувчи баёнчи об-
рази — автор образининг фавқулодда катта аҳамияти
худди шу билан белгиланади. Ҳамма воқеа-ҳодисалар,
баҳо-муносабатлар шу образ орқали баён этилади. Ав-
тор образи эса асар мазмунига, тасвир ранго-ранглиги-

га тўла мувофиқ ҳолда жуда мураккаб бўлиб, турли қиёфаларда ғавдаланади. «Саёҳатномалар»нинг бандларини бирин-кетин ўқир эканмиз, биз автор образида намоён бўлувчи юксак фазилатли инсон, ватанпарвар гражданин Муқимий билан; нозик лирик Муқимий билан; бешафқат сатирик ва қувноқ юморист Муқимий билан; ростгўй, халқчил, адолатсевар Муқимий билан галма-галдан ва жамланган ҳолда учраша борамиз. У яхшиликни маъқуллайди, гўзалликни мадҳ этади, камчиликлар устидан кулади, танбеҳ беради, ёвузликини танқид қиласди, иллатлар ва қабойиҳни сатирик найза остига олади, шармандасини чиқаради.

Автор образининг бош фазилати, аввало, унинг оддий халқ вакили эканлигига кўринади: у воқеа-ҳодисаларни, кўрган-кечирганларини, шахслар фаолияти ва феъл-авторини, ижтимоий ҳаёт ва ундаги жорий тартиб-қоидаларни халқ манфаатлари позициясидан баҳолайди, меҳнаткаш омма дунёқараши нуқтаи назаридан тасвирлайди. Худди шунинг учун ҳам «Саёҳатномалар» лоқайд кузатувчи — сайёҳнинг тор шахсий кечинмалари йигиндиси бўлиб қолмаган, аксинча, чуқур ғоявийлик ва ижтимоийлик, халқчиллик касб этган.

Автор образининг ўша даврда ҳуқуқсиз, талангандан оддий халқ вакили сифат асарда ҳаракат этиши унинг ижтимоий мавқеи ва руҳий кайфиятини ҳам белгилаган. У ўзини жуда сиқилган, даврдан, тузумдан эзилган, ғам-ғуссалар остида қолган сезади, у замонадан, мавжуд аҳволдан норози, уни қандайдир дард-алам, ташвиш доимо босиб туради. Бу мотив бутун асар мазмунига сингиб кетган:

Фарёдким, гардуни дун,
Айлар юрак-бағримни хун,
Кўрдики, бир аҳли фунун,
Чарх анга кажрафтор экан.

...Афлок кажрафтор учун,
Ҳар дам кўнгул афгор учун,
Хўқанд тангу тор учун,
Саҳро чиқиш даркор экан.

Аммо бу реал борлиқдан юз ўгирган, ҳаётнинг роҳату ташвишларидан қўй силтаб, таркидунёчиликка берилган шахснинг пассив нола-фигони эмас.

Шоир мисралари заминида замона, тузумга нисбатан протест ётади. Шунинг билан биргаликда автор об-

рази ҳаётни, борлиқни нигилистларча инкор этмайди, аксинча, у ҳаётсевар, у она юрт шайдоси. Ўлканииг табиий гўзалликларининг «Саёҳатномалар»да мадҳ этилишини оддий тасодиф деб бўлмайди. Фаргона водиси-нинг хушманзаралари, меҳнаткаш деҳқон қўли билан яратилган боғу гулзорлари, соя-салқин анҳору «ўйнаб» оқувчи сувлари, қир-далалари автор образи томонидан чуқур лиризм билан тасвирланади. Бундай бандларда ватанпарварлик ва гражданлик туйғулари, ўлкага муҳаббат ва мағурланиш ҳислари аниқ сезилиб туради:

Аммо назарда Рошндои,
Фирдавс боғиндин нишон.
Ўйнаб оқар оби равон,
Саҳни гулу гулзор экан.

...Водил мақоми дилфизо,
Кўчаларидур дилкушо,
Анҳорида оби сафо,
Себарга, обишор экан,

...Анҳору сою жўлари,
Ўйнаб келодур сувлари,
Ширинки зардолулари,
Қанду асал бекор экан.

«Саёҳатномалар»нинг турли қисмларидан ўлка табиатининг гўзалликларини мадҳ этувчи бандларни яна келтириш мумкин. Лекин асарнинг етакчи йўналиши бу эмас. Асарда бундай лирик тасвир танқидий муносабат, сатирик таҳлил билан алмашиниб, чатишиб келади, аниқроғи, кўпинча танқидий-сатирик тасвирга ўрин беради. Гап шундаки, Муқимий шундай гўзал, хушманзара табиат билан ижтимоий ҳаёт ўртасида уйғунлик йўқлигини ўз кўзи билан кўради, бу реал ҳолатни кескин ифодалай олади. Натижада «Саёҳатномалар» бандларида ҳаётсеварлик ва... ҳаётнинг танқиди, инкори, лиризм ва сатирик муносабат бирикиб кетади, ён-маён келади.

Буни қандай талқин этиш керак? Автор образи ўз-ўзини инкор этаетгани ёки икки айрим-айрим бўлакларга парчаланаётгани йўқми? Асло! Аксинча, чуқур мантиқий изчиллик мавжуд. Чунки, чин ҳаётсеварлик, ватанпарварлик тасдиқи яхшилик, гўзаллик мадҳи улар зиддининг — бузуқ, нурсиз ҳаёт ва ёвузликнинг инкорини талаб этади, иллатларни рўй-рост кўрсатишга, фош қилишга ундайди. Эндиликда автор образи жиддийла-

шади, баёнида дард-қайғу қуюқлашади, оҳангидан ғазаб-нафрат эши билади, ҳатто, лексикаси ўзгаради, гүё лирик Муқимиини сатирик Муқимий алмаштиради, у олд ўринга чиқади. Чиндан ҳам, худди шундай. Қелтирилган бандлар билан мана бу бандларни солиштиринг:

Кун тобишида бу сафар,
Иўллар сақардан ҳам батар,
Тоғ ичра раҳзап баччағар,
Кўп элни қақшатгон экан.

Кетгунча йўллар хорлар,
Иўл заҳмидин озорлар,
Қўкка етар куҳсорлар,
Ҳайҳот! Хористон экан!

Қир пастида шўртсанг ариғ,
Бир тўп йигит ўргай тариф,
Тўнсиз, ялонгроҷ, ҳай дариг!
Бечора, оч деҳқон экан!

Улканинг табиий гўзалликлари ва «қанду асалдан» ортиқ меваларини мадҳ этган шоир, айни замонда, ижтимоий ҳаётнинг ўша тузумнинг негатив томонларига назар ташлайди, «кўп элни қақшатиб» талон-торож этувчи «баччагар» ўғри-қароқчиларнинг эркин ҳаракат этишини кўрсатади, қишлоқ меҳнаткашларининг оғир аҳволидан реалистик лавҳа чизади: ўқувчи кўзи олдида тариф ўраётган, меҳнатда куйиб, ҳолдан тойған деҳқон йигитларининг жонли қиёфаларини гавдалантиради. Бу қишлоқ меҳнаткашларининг ижтимоий мавқеларини фақат «тўнсиз, яланғоч бечора, оч» каби жиддий маъноларни ифодаловчи сўзларгина ҳаққоний тасвиirlай олади...

Худди шу ўринда Муқимий танлаган радифнинг бир семантик хусусияти тўғрисида сўзлаш зарурати бор. Радиғ сифатида ҳар бандда такрорланувчи «экан» сўзи бандларга (асарга) мавҳумлик, ноаниқлик, бўлишсизлик оҳангини бермайди, балки, аксинча, аниқ ўтган замон шаклидаги бу сўз асан характеристига тўла мувоғиқ ҳолда таассуротлар баёнини конкретлаштиради, қатъийлаштиради. Дарвоқе, келтирилган бандлардаги «Кўп элни қақшатган экан!», «Ҳайҳот! Хористон экан!» ёки «Бечора, оч деҳқон экан!» каби қолипловчи мисралар қандайдир эртак оҳангига эмас, балки, қатъий баҳо, кескин ҳукм оҳангига жаранглайди.

Радифли мисра ўз моҳиятига кўра якунловчи, хуло-саловчи бўлғанлигидан бундай оҳанг банднинг ҳамма мисраларига ёйлади, уларни ҳам қамраб олади. Оқибат натижада бандлар қисқа-қисқа характеристикалар, қатъий хуласалар даражасига кўтарилади. Чиндан ҳам, «Саёҳатномалар»даги жуда кўп бандлар қишлоқ бойлари, амалдорларининг жирканч кирдикорларини, зулмкорлик фаолиятларини, ғайриинсоний табиатларини лўнда мисраларда баён этувчи аниқ сатирик характеристикалар шаклида ёзилган. Уларда сатирик баҳони сустлаштирувчи бирор ортиқча деталь, ҳатто бирор ноўрин сўз ҳам учрамайди:

«Мингбошилик кимнинг иши?» —
Десам, деди: «Бедониши,
Бир қўштегирмонлик киши.
Хўжа Исо». Бадкор экан!

Магрур, хасису бешу кам.
Хар гапда юз ичгай қасам,
Такжой олур моҳовданам,
Ҳожи ўзи мурдор экан!

Бу мисолларданоқ қўриниб турибдики, «Саёҳатномалар»да ҳам Муқимий ўзининг юксак сатирик маҳоратини намойиш этган. Шоир ҳоким синф вакилларининг ўзига хос белгиларини — золимлик, ҳийлакорлик, хасислик, мунофиқлик, очкўзликни жуда ишонарли кўрсата олган. Натижада ўқувчи бу ярамас амалдорларни автор образи билан бир позицияда туриб «кўради», автор образи билан биргаликда улар устидан ўз ҳукмини шаклантиради:

Мингбошиси сўфинамо,
Тасбиҳу бўйнида ридо,
Чўқиб кочар зоғу ало,
Бир доғули айёр экан.

Хайру сахо важҳила кар.
Бир пулни юз ердан туғар,
Келса гадой, ногоҳ агар,
Бир ион чиқиш душвор экан.

Муқимийнинг мисралари солла, тушишарли, халкчил, улар жуда равон ўқиласди. У бир томондан киноя, кесатик, халқ ибораларини сўз ўйинларидан моҳирлик билан фойдаланса, иккинчли томондан, баъзан ҳеч қандай пардоз-ниқобсиз, очиқдан-очиқ бир «холис» кузатувчи сифа-

тида ҳаётий фактларни баён этиш приёмини қўллайди. Бундай пайтларда шоир мисралари худди исбот талаб этмайдиган мутлақ ҳақиқатнинг баёни руҳини олади, шундайлигича қабул этилади. Масалан, қишлоқдаги барча мансабларни эгаллаб олган амалдорнинг золимлиги, «озор» бериши, «юрт»нинг эса «норози»лиги каби катта ижтимоий мазмун қўйидаги бандда тўғридан-тўғри яхлит ва дангал ифодаланган:

«Унда бўлус Ғози» — деди.
«Ҳам муфти, ҳам қози» — деди.
«Юрт барча норози» — деди.
Қилғон иши озор экан!

Қишлоқ амалдорларини фош этувчи бу каби бандлар қаторида «Саёхатномалар»да ўқувчи «қўрвқ савлат» мингбошилар «бадбуруши бойваччалар»нинг нафратли тасвирини кўради. Кўкнорихўр, «кўзини очолмас» даражадаги бадкайф воизлар, «қилмишлари шайранг», «етим ҳақини балик гўштидек ҳалол» кўрвучи ифлос шахслар, «инсофи йўқ таррор» — ўғри баққоллар билан учрашади, «ер ости зиндонига» айланган қишлоқлар ҳолига ачинади. Бундай муносабатнинг шаклланиб қатъийлашвига автор образининг, унинг ҳаққоний ва халқчил овозининг ҳал қилувчи роли бор.

Реал қоронғу ҳаёт ҳақикатларпи билан юзма-юз тўқ нашган, вайрон қишлоқларни, оч-ялаифоч дехконлар турмушини зийраклик билан кузатган, золим амалдорларнинг кирдикорларига гувоҳ бўлган шоир фактларни беғараз кайд этиш билан чекланмайди. У бундай ҳолатга чин кўнгилдан ачинали, бағри эзилиб қуйинади, «маъюс, дили хаста, мажрӯху яра» бўлганлигини очиқ айтади, замонасига ғазаб-нафрат биллиради. Демократ шоирнинг бу асаридаги катта гоявий муваффақиятларидан бири — унинг жузъий фактлардан жилдий ижтимоий холосаларга кела олганлигига ҳам кўринади:

... Дунё қурулғон дор экан!

Халқчил, ватанпарвар, ҳаётсевар шоирнинг чуқур афсус билан қилган бу холосаси ўша золим замон, адолатсиз тузум устидан чиқарган ҳукми эди. Бу хукм эса «Саёхатномалар»нинг гоявий-бадиий юксак битилган ҳамма бандлари давомида турли аспектларда, жонли, ҳаётий лавҳаларда «тайёрланади», асосланади, далилланади.

* * *

Муҳаммад Аминхўжа Муқимийнинг кўп асрлик ўзбек адабиётини тарихи олдидағи хизматлари бениҳоя катта. У ҳар бир йирик адаб каби, ўтмиш адабиётимизнинг энг яхши анъаналарини давом эттирди ва айни замонда чин маънода новатор шоир сифатида фаолият кўрсатди. Шоир қолдирган катта мероснинг асос кўпчилигини ташкил этувчи энг яхши лирик асарларида, ўткир сатиралари ва кувноқ юморларида халкчил мазмунни халқчил услубда юксак ғоявийлик ва бадиий етуклик билан санъаткорона таҳлил этди, даврининг илфор ғоя идеалларини тарғиб қўлди.

Муқимийнинг ижодий мероси Зокиржон Фурқат ва Убайдулла Завкий асарлари билан биргаликда ўзбек демократик адабиётининг магзини ташкил этди, унинг замонавийлиги, актуаллигини таъмин қилди, меҳнаткаш халқ ўртасидаги катта обрў-эътиборини белгилади.

Ўзбек адабиётининг классиклари қаторидан ҳақли ўрин олган Муқимийнинг ижоди давр адабиётининг бойиб ривожланишида, кейинчалик эса, яиги, социалистик ўзбек совет адабиётининг шаклланишида катта ижобий роль ўйнади.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Устозлардан баҳра олиб	6
Ижтимоий-сиёсий сатира	12
Муқимиининг Гобсеки. «Баччагар» «авлиё»лар	36
Юмористик кулги	49
Муқимий «Саёҳатномалар»и	54

Абдуғафуров А.

Муқимий сатираси. Т., «Фан», 1976.

67 б.

Муқими, Мұхаммад Амінхұја, уннинг ҳақида.

Абдуғафуров А. Сатира Муқими.

8731

На узбекском языке

Абдурашид Абдуғафуров

САТИРА МУҚИМИ

*Ўзбекистон ССР Фанлар академияси
илимий-олмабон китоблар таҳрир ҳайъати
томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир *C. Раззоқова*
Техмуҳаррир *B. Тараковиҷ*
Корректор *O. Абдуллаев*

Р08279. Теришга берилди 12/III-76 й. Боснига рухсат этилди 25/III-76 й. Формати
81×108^{1/2}. Басмахона қоғози № 1. Босма л. 3,57. Қоғоз л. 1,062. Ҳисоб-нашриёт
л. 3,3. Нашриёт № 1788. Тиражи 10000. Баҳоси 11 т. Заказ № 71.

ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, М. Горький проспекти, 79.
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.